

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУНЧИЛИК  
ТЎПЛАМИ

11-12-сон  
(1135-1136)  
2024 йил  
март

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Иккинчи бўлим

- «Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 13 мартдаги ПФ–49-сон Фармони
- «Ташқи савдо ва ҳудудий саноатни ривожлантиришда тадбиркорлар бирлашмаларининг ролини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 мартдаги ПҚ–126-сон қарори
- «Тадбиркорлик субъектларига халқаро платформалар орқали рақамли технологиялар соҳасида хизматлар кўрсатиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 мартдаги ПҚ–129-сон қарори

93. «Тошкент шаҳрида «Янги авлод» махсус саноат зонасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 мартдаги ПҚ–138-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

94. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2024-yil 22-fevraldagi 109-son, Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Soliq qo‘mitasining 2024-yil 13-fevraldagi 2024-03-son va Markaziy bank Boshqaruvining 2024-yil 8-fevraldagi 4/2-son “Yagona ijtimoiy to‘lovni taqsimlash, shuningdek xarajatlarni qoplash bo‘yicha summalarning to‘lanishini hamda tashkilotlar tomonidan pensiya, nafaqa va boshqa to‘lovlar uchun xarajatlar amalga oshirilishi tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaror, shuningdek unga o‘zgartirishlarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida”gi qarori (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 12-martda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2836-5*)
95. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 2 февралдаги 103-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БХС) «Ягона счётлар режаси»га қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3078-4*)
96. O‘zbekiston Respublikasi qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirining 2024-yil 12-martdagi 01/2-4-son “Ko‘p kvartirali uylarda umumiy mol-mulkni saqlash, undan foydalanish va uni ta‘mirlash hamda ko‘p kvartirali uyga tutash yer uchastkasini obodonlashtirish uchun majburiy badallar yoki to‘lovlarning eng kam miqdorini aniqlash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 15-martda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3501*)
97. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 12 февралдаги 106-сон «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (1-сонли СММС) «Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш тартиби»ни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 15 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3502*)
98. O‘zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi direktorining 2024-yil 13-fevraldagi 56-son “Maydoni 2 000 metr kvadratgacha bo‘lgan bo‘sh turgan davlat ko‘chmas mulk obyektlarini jismoniy shaxslarning onlayn-buyurtmanomasiga asosan xususiylashtirish yoki ijaraga berish uchun to‘g‘ridan-to‘g‘ri elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 18-martda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3503*)

99. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг 2024 йил 5 мартдаги 17-сон, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил 1 мартдаги 113-сон ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг 2024 йил 5-мартдаги 2024-04-сон «Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш учун йиғимлар миқдорини белгилаш, уларни тўлаш ва тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 19 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3388-1*)
100. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2024 йил 21 февралдаги 3-сон «Наслли маҳсулотни (материални) сертификатлаштиришдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 19 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2599-1*)
101. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2024 йил 14 мартдаги 6-сон «Эпизоотик вазиятни ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш мезонлари ва юбориш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 19 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3198-2*)
102. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2024 йил 7 мартдаги 5-сон «Хориждан келтирилган гўза уруғликларининг генетик тозалиги бўйича молекуляр-генетик таҳлиллар ўтказиш юзасидан маҳаллий ваколатли лаборатория ҳулосасини олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 19 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3504*)
103. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 19 февралдаги 109-сон «Товарнинг келиб чиқиш мамлакати тўғрисидаги дастлабки қарорни қабул қилиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 19 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3505*)
104. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 20-martdagi 8-mh-son "Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarish to'g'risida" gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 20-martda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3506*)
105. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2024 йил 19 февралдаги 17-сон «Майнинг-пул фаолиятини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи

*(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 20 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3507)*

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## 90 Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш доирасида 2024 йил учун белгиланган мақсадли кўрсаткичларга ўз вақтида, тўлақонли ва сифатли эришилишини таъминлаш, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларининг бу борадаги масъулияти ва шахсий жавобгарлигини ошириш ҳамда фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КПИ) (кейинги ўринларда — самарадорлик кўрсаткичлари), уларга эришиш бўйича «йўл хариталари» ҳамда улар томонидан ҳудудларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари ҳамда ҳудудлар кесимидаги чора-тадбирлар дастури асосида ишлаб чиқиладиган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосарларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан ва уларга эришиш бўйича «йўл хариталари» Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан тасдиқланади;

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари асосида туман (шаҳар) ҳокимлари ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан ҳамда уларга эришиш бўйича ойлик иш режалари туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

Бунда, самарадорлик кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Президенти

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 13 мартда эълон қилинган.

денти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва топшириқларида белгиланган кўрсаткичлардан паст бўлмаган даражада чорақлар кесимида белгиланади.

2. Самарадорлик кўрсаткичларига ўз вақтида ва сифатли эришилишини таъминлаш ва уларнинг бажарилишини мониторинг қилиш тизимини рақамлаштириш мақсадида белгилансинки:

самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги маълумот ҳар чорақда Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг «samaradorlik.uz» электрон платформасига (кейинги ўринларда — платформа) киритилади ҳамда унда раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлиги рейтинг шаклланади;

Статистика агентлиги ва бошқа давлат ташкилотларининг ахборот тизимларида электрон ҳисоботи юритиладиган самарадорлик кўрсаткичларига эришиш натижалари ушбу ахборот тизимларини платформага интеграция қилиш орқали автоматик тарзда шакллантирилади;

самарадорлик кўрсаткичлари бажарилганлиги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ташкилотлар ёки Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари томонидан тасдиқланади, бундан натижаси автоматик тарзда шакллантириладиган самарадорлик кўрсаткичлари мустасно;

ҳар бир самарадорлик кўрсаткичига белгиланадиган салмоқ ўлчови йиғиндисидан келиб чиқиб, самарадорлик кўрсаткичлари улар бажарилиши 70 фоиздан кам бўлганда — «қониқарсиз», 70 фоиздан 85 фоизгача — «қониқарли», 85 фоиздан 100 фоизгача — «яхши» ҳамда 100 фоиз ва ундан юқори бўлганда «аъло» деб баҳоланади;

самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумот платформага ўз вақтида ва сифатли киритилиши ҳамда тасдиқланиши танланма тартибда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан мониторинг қилинади.

3. Самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилишида раҳбарларнинг шахсий масъулиятини ошириш мақсадида ўрнатилсинки:

республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларини рағбатлантириш тўловлари миқдори уларнинг самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб белгиланади;

чорақ якуни бўйича самарадорлик кўрсаткичларига эришиш натижалари «қониқарсиз» деб баҳоланган раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарларига рағбатлантириш тўловлари келгуси уч ой учун тўхтатилади ва уларга нисбатан интизомий таъсир чораларини қўллаш масаласи кўриб чиқилади, бундан Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида самарадорлик кўрсаткичлари асослантилган сабабларга кўра бажарилмаганлиги тасдиқланган ҳоллар мустасно;

йил якуни бўйича самарадорлик кўрсаткичларига эришиш натижалари «қониқарсиз» деб баҳоланган раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарларига нисбатан уларнинг эгаллаб турган лавозимига лойиқлиги масаласи кўриб чиқилади.

4. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва ўринбосарлари-

нинг самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши юзасидан ҳар бир ташкилот бўйича ҳисоботларни ҳар йили эшитиб бориш тавсия этилсин.

5. Белгилансинки:

республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолашда платформада шакллантирилган самарадорлик кўрсаткичлари бирламчи манба ҳисобланади;

фаолияти самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳоланадиган республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларининг рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида тасдиқланадиган самарадорлик кўрсаткичлари, уларга белгиланадиган салмоқ ўлчови ва бошқа кўрсаткичлар Вазирлар Маҳкамаси Раёсати қарори билан ўзгартирилиши мумкин.

6. Вазирлар Маҳкамаси:

а) бир ҳафта муддатда республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари, уларга эришиш бўйича «йўл хариталари» ҳамда улар томонидан ҳудудларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурини;

б) бир ой муддатда:

республика ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ўринбосарларининг самарадорлик кўрсаткичларини баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб амалга ошириладиган рағбатлантириш тўловлари турлари ва уларни ҳисоблаш тартибини;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосарларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ўринбосарларининг самарадорлик кўрсаткичларини тасдиқласин.

7. Рақамли технологиялар вазирлиги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ушбу Фармон талабларидан келиб чиқиб, Давлат хизматини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан платформани такомиллаштирсин ва тегишли ахборот тизимлари билан интеграция қилсин.

Рақамли технологиялар вазирлиги Статистика агентлиги, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда электрон ҳисоботи юритилмайдиган самарадорлик кўрсаткичларини 2025 йил якунига қадар босқичма-босқич рақамлаштириш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин.

8. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги:

бир ой муддатда республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш асослари бўйича Давлат бошқаруви академиясида қисқа муддатли ўқув курсларни ташкил этсин;

икки ой муддатда республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларининг фаолиятини самарадорлик кўрсаткичлари асосида платформа орқали баҳолаш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги икки ой муддатда давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган йирик хўжалик жамиятлари уставларига мазкур Фармондан келиб чиқиб, тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин.

10. Қўйидагиларга:

Бош вазир ўринбосарлари А. Раматов, Ж. Қўчқоров, Ж. Ходжаев, З. Махкамовага — тегишлилиги бўйича республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари учун самарадорлик кўрсаткичлари ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилиши, уларга эришилишини таъминлаш юзасидан;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига — ўзларининг ўринбосарлари учун самарадорлик кўрсаткичлари ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилиши, уларга эришилишини таъминлаш, шунингдек, туман (шаҳар) ҳокимларининг ўринбосарлари учун самарадорлик кўрсаткичларини тасдиқлаш юзасидан;

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосарига — республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятини самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш ишларини услубий жиҳатдан мувофиқлаштириш, самарадорлик кўрсаткичлари натижалари бўйича таҳлилий маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш юзасидан;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва давлат иштирокидаги йирик корхоналар раҳбарларига — ўзлари масъул бўлган тармоқ ва соҳалар бўйича белгиланган самарадорлик кўрсаткичларига эришилиши ҳамда маълумотларнинг тўғри ва ўз вақтида платформага киритилиши юзасидан шахсий масъулияят юклансин.

11. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 13 март,  
ПҚ–49-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**91 Ташқи савдо ва ҳудудий саноатни ривожлантиришда тадбиркорлар бирлашмаларининг ролини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Тармоқлар ва ҳудудларнинг саноат ва ташқи савдо имкониятларини кенгайтириш, соҳада давлат аралашувини камайтириш орқали тадбиркорлар бирлашмаларининг ролини ошириш, экспорт фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари учун экспорт ва экспортolni молиялаштириш механизмларини самарали ва шаффоф ташкил этиш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Савдо-саноат палатасининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

Экспортни рағбатлантириш агентлиги ҳамда Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси негизида Давлат активларини бошқариш агентлиги муассислигида «Савдони ривожлантириш компанияси» акциядорлик жамиятини (кейинги ўринларда — Компания) ташкил этиш ва унинг устав капиталидаги давлат улушини бошқариш функциясини ишончнома асосида Савдо-саноат палатасига бериш;

ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига қўмаклашиш (экспортolni билан боғлиқ савдо операцияларини молиялаштириш бундан мустасно) учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигида юридик шахс ташкил этмасдан очиладиган Савдога қўмаклашиш жамғармасига (кейинги ўринларда — Жамғарма) йўналтириш ҳамда Жамғарма маблағларини бошқариш ҳуқуқини Компанияга бериш;

«Ўзбекэкспертиза» АЖ устав капиталидаги давлат улуши ва 1-иловага\*\* мувофиқ давлат иштирокидаги корхоналарга тегишли улушларни Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказган ҳолда давлат улушини бошқариш функциясини ишончнома асосида Савдо-саноат палатасига бериш;

махсус иқтисодий, кичик саноат, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарига инвесторларни жалб қилиш, уларнинг иштирокчиларига қўмаклашишни Савдо-саноат палатасининг вазифаларидан бири сифатида белгилаш.

2. Савдо-саноат палатасининг Компанияни ва «Ўзбекэкспертиза» АЖни халқаро тажриба асосида трансформация қилиш ишларини давом эттирган ҳолда уларнинг фаолиятини қуйидагиларга йўналтириш ҳақидаги таклифига розилик берилсин:

а) Компания фаолияти бўйича:

ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш чораларининг Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги асосида самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, давлат маблағларининг юқори қўшилган қийматли маҳсулот экспорт

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 15 мартда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қиладиган ҳамда янги бозорларга чиқадиган корхоналарга етказилишини таъминлаш;

тадбиркорлик субъектларини транспорт логистикаси, сертификатлаш, стандартлаштириш ва сифат назорати, солиқ ва божхона маъмуриятчилиги ҳамда экспорт фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича ахборот ва маслаҳат билан қўллаб-қувватлаш;

миллий брендлар ва маҳсулотларни хорижда тарғиб қилиш бўйича «Made in Uzbekistan» дастурини амалга ошириш, шу жумладан миллий кўргазмалар, тармоқ ва минтақавий кўргазмалар ҳамда товарлар ярмаркаларини ўтказишда иштирок этиш ҳамда молиялаштириш;

б) «Ўзбекэкспертиза» АЖ фаолияти бўйича:

жамият томонидан кўрсатиладиган хизматларни ва бизнес жараёнларни рақамлаштириш, моддий-техник базасини яхшилаш, лабораториялар салоҳиятини ошириб бориш орқали ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи корхоналарга консултатив хизматларни кенгайтириш;

тадбиркорлик субъектларига хорижий давлатларда маҳсулотларга қўйилган мажбурий ва қўшимча талаблар бўйича маълумотлар тақдим этиб бориш;

тадбиркорлик субъектлари учун бизнес-режа ишлаб чиқиш ва уларга тайёр бизнес лойиҳаларини таклиф этиш, бизнесни юритиш ва корпоратив бошқарувни йўлга қўйишда амалий ёрдам берадиган лойиҳа офислари фаолиятини йўлга қўйиш.

3. Давлат активларини бошқариш агентлиги Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

Компания бошланғич устав капитали Экспортни рағбатлантириш агентлиги ва Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси активлари баланс қийматида шакллантирилишини ҳамда давлат улушини бошқариш функцияси ишончнома асосида кейинчалик шу муддатга узайтириш шarti билан уч йил муддатга;

мазкур қарорга асосан «Ўзбекэкспертиза» АЖ устав капиталидаги улушларнинг Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилишини ҳамда улушни бошқариш функцияси ишончнома асосида кейинчалик шу муддатга узайтириш шarti билан уч йил муддатга Савдо-саноат палатасига берилишини таъминласин.

4. Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига Компания томонидан тақдим этиладиган қўллаб-қувватлаш чоралари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

мазкур қарорга 2-илованинг 1-бандида назарда тутилган молиявий кўмак Жамғарма ҳисобидан тақдим этилади;

Экспортни рағбатлантириш агентлиги учун 2024 йил Давлат бюджети параметрида ажратилиши назарда тутилган маблағлар Жамғарма орқали молиялаштирилади;

2024 йил 1 июлдан бошлаб Компания томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги асосида тақдим этилади;

Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар доирасида экспортни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан тақдим этилаётган субсидия ва преференциялар Тарифлар ва савдо бўйича бош битимга (GATT) ҳамда Субсидиялар ва компенсация чоралари тўғрисидаги битимга (ASCM) мувофиқлаштирилади.

6. Белгилаб қўйилсинки:

а) Компания томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш шартлари ҳамда Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартиби Савдо-саноат палатаси таклифига асосан Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (кейинги ўринларда — Ҳукумат комиссияси) томонидан белгиланади;

б) Компанияга ўз даромадлари ҳисобидан савдони ривожлантириш чораларини кўришга рухсат этилади;

в) Компаниянинг Кузатув кенгашига:

тадбиркорлик субъектларининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларни Компания даромадлари ҳисобидан қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча ёрдам инструментларини жорий этиш;

самарадорлик кўрсаткичлари паст бўлган ҳолларда молиявий ёрдамни тўхтатиш бўйича Ҳукумат комиссиясига таклифлар киритиб бориш ваколати берилади;

г) Компанияга Кузатув кенгаши тасдиқлаган низомга асосан малакали мутахассислардан иборат танлов комиссияси томонидан мустақил равишда:

халқаро юридик, аудиторлик, инвестиция маслаҳатчилари, консалтинг компаниялари, малакали маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамда консультантларни жалб этиш;

ахборотлаштириш қурилмалари ва хизматлари ҳамда дастурий таъминотларни етказиб берувчи корхоналар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ҳуқуқи берилади.

7. Савдо-саноат палатаси Экспортни рағбатлантириш агентлиги ҳузуридаги Тўқимачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг бошқарувини вақтинчалик амалга оширсин ҳамда бир ой муддатда уни самарали бошқариш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Тадбиркорлик субъектларига бизнесни ташкил этиш, юритиш ва янада ривожлантиришга кўмаклашиш, уларнинг маҳсулотларини халқаро бозорларга олиб чиқиш мақсадида Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида қуйидаги вазифаларни амалга оширувчи Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш лойиҳа офисларини (кейинги ўринларда — лойиҳа офислари) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин:

тадбиркорлик субъектлари учун бизнес-режа ишлаб чиқиш ва уларга тайёр бизнес лойиҳаларини таклиф этиш, бизнесни юритиш ва корпоратив бошқарувни йўлга қўйишда амалий ёрдам бериш;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ зарур ахборотларни олиш ва амалий масалаларни ҳал этишда эксперт, ҳуқуқий ва маслаҳат ёрдами кўрсатиш, тадбиркорларнинг инфратузилма, хизматларни кўрсатиш (ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш) ва экспорт қилишдаги муаммоларини «ягона дарча» тамойили асосида тегишли вазирлик ва идоралар вакиллариини жалб этган ҳолда тезкор ҳал этиш;

ҳудудларда электрон платформаларни йўлга қўйиш орқали тадбиркорлик субъектларининг малакасини ошириш, молиявий-иқтисодий ва ҳуқуқий маслаҳатлар бериш;

тадбиркорлик субъектларининг инвестиция ва ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш бўйича амалий кўникмаларни ўзлаштиришига ёрдам бериш;

тадбиркорлик субъектларига молиявий ва товар-хомашё ресурслари, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, технологик машиналар ва қурилмалар, ишлаб чиқариш объектлари ҳамда ер майдонларидан фойдаланишда амалий ёрдам кўрсатиш.

Савдо-саноат палатасига лойиҳа офислари фаолиятини йўлга қўйишга «Ўзбекэкспертиза» АЖнинг молиявий ва бошқа имкониятларини сафарбар этиш ваколати берилсин.

9. Савдо-саноат палатасининг 3-иловага мувофиқ уюшмаларнинг ўз фаолиятини Савдо-саноат палатаси билан биргаликда олиб бориш тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда, Савдо-саноат палатаси раисига уюшмалар фаолиятини ташкилий-бошқарув масалалари, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш, савдо ва экспорт ҳажмини кенгайтириш юзасидан йўналтириб бориш ваколати берилади.

10. Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов) ўн кун муддатда уюшмаларни бир бинода жойлаштириш, уларнинг бўшаган давлат мулки бўлган бино ва иншоотларини Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказган ҳолда сотувга чиқариш чораларини кўрсин.

11. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг барча тўқимачилик корхоналарига юқори сифатли маҳсулотларни экспорт қилишда «Uztextile» товар белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

12. Ҳисоб палатаси Савдо-саноат палатаси ва Компания фаолиятида ҳар йили самарадорлик аудитини ўтказган ҳолда, молиявий қўллаб-қувватлаш чораларининг самарадорлиги ва натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот бериб борсин.

13. Савдо-саноат палатаси:

бир ой муддатда тармоқ ва саноат уюшмалари фаолиятини танқидий ўрганиш натижаси бўйича уларни трансформация қилиш, жумладан уюшмалар вазибаларини кенгайтириш, тадбиркорлик субъектларига тақдим этилаётган қўллаб-қувватлаш чоралари самарадорлигини ошириш ҳамда уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича таклифларни;

2025 йил 1 январга қадар хорижий консултантларни жалб қилган ҳолда Савдо-саноат палатасини ривожлантириш стратегиясини;

икки ой муддатда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 14 март,  
ПҚ–126-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 14 мартдаги  
ПҚ–126-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига «Савдони  
ривожлантириш компанияси» акциядорлик жамияти томонидан  
тақдим этиладиган қўллаб-қувватлаш чоралари**

1. Молиявий кўмак кўрсатиш бўйича:

стандартлаштириш ва сертификатлашнинг халқаро тизимларини жорий этиш, шунингдек, хорижий ваколатли органларда миллий маҳсулотлар ва брендларни (товар белгиларини) рўйхатдан ўтказишда экспорт қилувчи ташкилотларга молиявий кўмак кўрсатиш;

экспорт қилувчиларга улар суғурта хизматларидан фойдаланганда суғурта мукофотини қоплаш учун компенсациялар тақдим этиш;

тадбиркорлик субъектлари (уларнинг ваколатли вакиллари)га маҳсулотларни экспорт қилишда автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш бўйича транспорт харажатларининг бир қисмини қоплаш учун компенсациялар тақдим этиш;

молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида юритишни жорий қилиш харажатларини қисман қоплаб бериш;

маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларнинг савдо уйлари очиш ва сақлаш, офис, савдо ва омбор биноларини ижарага олиш, шу билан бирга, реклама компанияларини ташкил қилиш билан боғлиқ чет элдаги харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш;

кўргазма стендларини ташкил этишда ва халқаро кўргазмалар-ярмарка-

ларда иштирок этишда, шунингдек, хорижий мамлакатларда бўлиб ўтадиган ўқув семинарлари, бизнес-семинарлар, тренинглар, савдо миссиялари ва бизнес-форумларда иштирок этиш ҳамда маҳаллий махсулотлар, хизматлар ва брендлар (товар белгилари) бўйича рақамли рекламани хорижий Интернет жаҳон тармоғи ахборот ресурсларида, шу жумладан, ижтимоий тармоқлар, савдо майдончалари ва мобиль иловаларда жойлаштиришда, махсулотлар намуналарини таништириш мақсадида хорижий мамлакатларга юборишда молиявий ёрдам кўрсатиш;

қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналарига хориждан малакали дизайнерлар, технологлар, маркетинглар, сифат назоратчилари ва агрономларни жалб қилиш харажатларини қоплаб бериш;

тадбиркорлик субъектларига нуфузли халқаро брендларни жалб қилишга қўмаклашиш, шунингдек, уларнинг нуфузли халқаро брендлар эгалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жумладан, халқаро стандартларни жорий қилиш, экологик ва мувофиқлик бўйича сертификатлаш, мутахассисларни ўқитиш харажатларини қоплаш учун грантлар ажратиш;

экспорт акселератори («тадбиркордан-экспортчигача») дастури доирасида хорижий консалтинг компанияларни жалб қилишда молиявий қўмаклашиш.

2. Тижорат банкларига экспорт олди ва экспорт билан боғлиқ савдо операцияларини молиялаштириш учун ресурслар ажратиш.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 14 мартдаги  
ПҚ-126-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Фаолиятини Савдо-саноат палатаси билан биргаликда  
олиб борадиган уюшмалар  
РЎЙХАТИ**

1. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси
2. «Хунарманд» уюшмаси
3. «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси
4. «Ўзчармсаноат» уюшмаси
5. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси
6. «Ўзёғмойсаноати» уюшмаси
7. «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси
8. «Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмаси
9. «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмаси
10. «Паррандасаноат» уюшмаси
11. «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси
12. «Гул етиштирувчилар» уюшмаси
13. «Ўзбекистон асаларичилари» уюшмаси

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 14 мартдаги  
ПҚ-126-сон қарорига  
4-ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги «Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ-5184-сон қарорининг 1-банди қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси мазкур бандга асосан ажратилган маблағларни 2026 йил 1 январдан бошлаб 2026 йил 1 июлга қадар қайтариш шарти билан «Савдони ривожлантириш компанияси» акциядорлик жамиятига қайта расмийлаштирсин».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 15 декабрдаги «Пахтачиликда уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳамда пахта ҳосилдорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-391-сон қарорининг 11-бандида:

а) биринчи хатбошининг иккинчи жумласи қўйидаги мазмундаги иккинчи — бешинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«Бунда:

«Пахтасаноат илмий маркази» АЖга тегишли мол-мулклар (Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ш. Руставели кўчаси, 8-уй манзилида жойлашган маъмурий бинодан ташқари) қонунчиликда белгиланган тартибда мазкур институтга ўтказилади;

институт Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй манзилига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади;

«Пахтасаноат илмий маркази» АЖга тегишли Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ш. Руставели кўчаси, 8-уй манзилида жойлашган маъмурий бино жамиятнинг устав капиталидаги давлат улушини мазкур бинонинг баланс (қолдиқ) қийматига камайтириш ҳисобига Давлат активларини бошқариш агентлигига давлат мулки сифатида оператив бошқарув ҳуқуқи асосида ўтказилади»;

б) иккинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари маъмурий биноларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ф-26-сон фармойишида:

а) 1-илованинг 2-бўлимида:

2-позиция қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«	2. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги	Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 333а-уй
---	--	--

»;

4-позициядаги «Экспортни рағбатлантириш агентлиги» сўзлари «Савдони ривожлантириш компанияси» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловининг 9-позицияси чиқариб ташлансин;

в) 3-иловининг 3-позицияси чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**92** Тadbиркорлик субъектларига халқаро платформалар орқали рақамли технологиялар соҳасида хизматлар кўрсатиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Рақамли технологиялар соҳасида фаолият юритувчи тadbиркорлик субъектларига халқаро хизматлар бозорида иштирок этиш ва ҳамкорлар билан алоқалар ўрнатиш учун қулай шароитлар яратиш, уларнинг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш, бу борадаги тартиботларни соддалаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тadbиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–292-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Рақамли технологиялар вазирлигининг ҳуқуқий эксперимент тариқасида рақамлаштириш соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича экспорт шартномавий ҳужжатларни халқаро платформаларда расмийлаштиришга рухсат бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

2024 йил 1 апрелдан бошлаб ҳуқуқий эксперимент доирасида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (кейинги ўринларда — ИТ-парк) резидентлари томонидан рақамлаштириш соҳасидаги хизматлар (улар амалга ошириши рухсат этилган фаолият турлари рўйхатига мувофиқ) экспорти бўйича халқаро платформаларда электрон шаклда расмийлаштирилган қиймати 100 минг АҚШ долларигача (ёки ушбу эквивалентга тенг миқдоргача) бўлган шартномалар (келишув, ҳисобварақ-фактура, инвойс) электрон ҳужжат сифатида тан олинади ҳамда уларнинг қоғоз шаклидаги нусхаси талаб этилмайди;

рақамлаштириш соҳасидаги хизматлар экспорти бўйича шартномаларни расмийлаштириш рухсат этиладиган халқаро платформалар рўйхати Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан тасдиқланади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ ҳуқуқий эксперимент доирасида:

ИТ-парк резиденти иштирокидаги оддий ёзма шаклдаги ташқи савдо битими у тўғрисидаги таклиф иккинчи тарафнинг шартнома тузишга тайёрилиги ҳақида хабардор қилиш (акцептлаш) йўли билан қабул қилинган бўлса тузилган ҳисобланади;

ташқи савдо битими бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар ИТ-парк резидентлари томонидан фақат Ўзбекистон Республикаси тижорат банкидаги ҳисоб рақами орқали амалга оширилади;

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 16 мартда эълон қилинган.

электрон ёки бошқа алоқа воситалари, ахборот тизимлари ёки ахборот тармоқларидан фойдаланган ҳолда дастурий кодлар билан алмашиш ёки тарафлар ва уларнинг хоҳиш-иродасининг мазмунини аниқ ифодалайдиган бошқа ҳужжатларни ўзаро айирбошлаш ёзма шаклда тузилган битимга тенглаштирилади;

IT-парк резидентлари учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига ташқи савдо битимлари бўйича тегишли маълумотларни киритиб бориш мажбурий ҳисобланади.

4. Белгилансинки:

Рақамли технологиялар вазирлиги ҳуқуқий экспериментни амалга ошириш ва мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган ҳисобланади;

ҳуқуқий экспериментнинг амал қилиш муддати бир йилни ташкил этади.

5. Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги:

икки ҳафта муддатда рақамлаштириш соҳасидаги хизматларни экспорт қилиш бўйича шартномаларни расмийлаштириш рухсат этиладиган халқаро платформалар рўйхатини тасдиқласин (заруратга кўра, мунтазам равишда янгилаб борсин) ҳамда оммавий ахборот воситалари ва Интернет, шу жумладан ижтимоий тармоқлар орқали эълон қилсин;

Адлия вазирлиги билан биргаликда ҳуқуқий эксперимент якунлари бўйича қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев ҳамда рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 15 март,  
ПҚ–129-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**93** Тошкент шаҳрида «Янги авлод» махсус саноат зонасини ташкил этиш тўғрисида\*

Тошкент шаҳрида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича янги имконият ва мавжуд захиралардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириш, янги турдаги рақобатбардош юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қуйиш, Тошкент шаҳрининг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда аҳолини юқори даромадли иш жойлари билан таъминлаш мақсадида:

1. Тошкент шаҳри ҳокимлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) Тошкент шаҳри Янгиҳаёт туманида «Янги авлод» махсус саноат зонасини (кейинги ўринларда — «Янги авлод» МСЗ) ташкил этиш;

б) «Янги авлод» МСЗни ташкил этиш мақсадида:

«Янгиҳаёт» индустриал технопарки ҳудудидида 1а-иловага\*\* мувофиқ бўш турган 100 гектар ер участкасини ушбу технопарк ҳудудидан чиқариш ва «Янги авлод» МСЗга ўтказиш;

Тошкент шаҳри Янгиҳаёт тумани «Хўжа Учқун», «Жалойир» ва «Янги Гулзор» маҳаллалари туташган ҳудуддаги 1б-иловага\*\* мувофиқ 664,5 гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган, шу жумладан 592,5 гектар суғориладиган ер участкаларини саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказиш учун Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссиясига белгиланган тартибда таклиф киритиш.

2. Қуйидагилар:

«Янги авлод» МСЗ таркибига кирувчи ҳудудларнинг чегаралари 2-иловага\*\* мувофиқ;

«Янги авлод» МСЗнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари 3-иловага мувофиқ;

«Янги авлод» МСЗни ташкил этиш бўйича «йўл харитаси» 4-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

а) «Янги авлод» МСЗнинг фаолият юритиш муддати 30 йилни ташкил этади ва ушбу муддат кейинчалик қонунга мувофиқ узайтирилиши мумкин;

б) «Янги авлод» МСЗ фаолияти давомида унинг иштирокчиларига мах-

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 25 мартда эълон қилинган.

\*\* 1-2, 4-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сус иқтисодий зоналари иштирокчилари учун белгиланган алоҳида солиқ, божхона имтиёзлари ва бошқа преференциялар татбиқ этилади;

в) «Янги авлод» МСЗ учун ташқи инфратузилма объектларини қуриш ишларини амалга оширишда:

молиялаштириш ишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 декабрдаги «Худудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4929-сон қарорига мувофиқ;

бюртмачи вазифаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги «Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–5101-сон қарорида белгиланган ташкилотлар томонидан амалга оширилади;

г) «Янги авлод» МСЗ ҳудудда ички инфратузилма объектларини қуриш ишларини молиялаштириш электрон онлайн аукциондан тушган ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади;

д) «Янги авлод» МСЗни ташкил этиш учун ер участкалари ажратилиши билан боғлиқ қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича компенсация тўловлари тегишли ер участкаларида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан беш йилгача бўлган даврда бўлиб-бўлиб тўланади ҳамда ер участкалари олинishi муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар белгиланган тартибда қопланади.

4. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги икки ҳафта муддатда «Янги авлод» МСЗ ҳудудидан ўтган газ қувурларини кўчириш учун 200 миллиард сўм ҳамда ички коммуникация тармоқларини барпо этиш учун 150 миллиард сўм миқдоридagi фoизсиз бюджет ссудаси Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига ажратилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, бюджет ссудаси жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун кўзда тутилган харажатлар ҳисобидан ажратилади.

5. «Янги авлод» МСЗни бошқариш учун «Тошкент Инвест компанияси» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда — Компания) таъсисчилигида масъулияти чекланган жамият шаклида «Янги авлод» бошқарувчи компанияси (кейинги ўринларда — бошқарувчи компания) ташкил этилсин.

Белгилансинки, бошқарувчи компания:

Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан келишилган ҳолда давлат-хусусий шериклик шартномаларини, шу жумладан концессия, бошқарув шартномалари ҳамда Компания улушини ишончли бошқарувга бериш бўйича шартномаларни тузиш ҳамда бошқарувчи компаниянинг устав фондига улуш киритиш орқали ушбу соҳада ихтисослашган хорижий компанияларни ва менежерларни жалб қилади;

«Янги авлод» МСЗ ҳудудида кўрсатиладиган коммунал хизматлар, алоқа хизматлари ва етказиб берилладиган энергия ресурслари учун тарифларни ваколатли давлат органлари билан келишилган ҳолда шартнома асосида белгилайди;

«Янги авлод» МСЗ ҳудудида лойиҳаларни амалга ошириш бўйича инвесторлар билан музокаралар олиб боради, улар билан битимлар тузишни ва уларнинг инвестиция шартномаларида белгиланган мажбуриятлар ижросини назорат қилади;

«Янги авлод» МСЗ ҳудудида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш даврида инвесторларга шартнома асосида сервис, санитария-гигиена ва муҳандислик-коммуникация хизматларини кўрсатади ҳамда улар транспорт инфратузилмаси объектлари ва ёрдамчи иншоотлар билан таъминланишини ташкил қилади.

6. Тошкент шаҳри ҳокимлиги:

а) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2024 йил 1 июлга қадар «Янги авлод» МСЗнинг ҳудудлари бош режаси ишлаб чиқиши ва тасдиқланишини таъминласин, бунда:

Компания бош режани ишлаб чиқишда буюртмачи этиб белгилансин;

бош режани ишлаб чиқиш бўйича лойиҳа ва пудрат ташкилотлари энг яхши таклифларни танлаш натижаларига кўра аниқлансин;

бош режани ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатлар Компания маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилсин;

б) бош режага асосан «Янги авлод» МСЗ таркибига кирувчи ер участкаларини захирага қайтариш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши, давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилиши ҳамда Ер кодексида белгиланган тартибда ажратилишини таъминласин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

«Янги авлод» МСЗ ҳудудидаги ер участкалари Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида Ер кодексининг 24-моддасига мувофиқ Тошкент шаҳри ҳокимлиги томонидан бошқарувчи компанияга «Янги авлод» МСЗнинг фаолият юритиш муддатидан ошмаган муддатга ижарага берилади;

инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш учун зарур бўлган ер участкалари бошқарувчи компания томонидан «E-auction» электрон савдо платформаси орқали ижарага берилади.

8. Тошкент шаҳри ҳокимлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг «Янги авлод» МСЗ ҳудудида бошқарув офиси биносини қуриш ҳамда объект атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини қисқа муддатларда яқунлаш мақсадида «Янгиҳаёт» индустриал технопарки» ДУКни буюртмачи этиб белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда, буюртмачига энг яхши таклифларни танлаш натижаларига кўра лойиҳа ва пудрат ташкилотларини аниқлашга рухсат берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, бошқарув офиси биносини қуриш ҳамда объект атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари электрон он-

лайн аукционлардан тушган маблағлар, Компания маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

9. Тошкент шаҳри ҳокимлиги Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда «Янги авлод» МСЗ ҳудудида 2025 йил якунига қадар 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдоригача тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ўзлаштирилиши, натижада 2,5 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши, йилига 1 триллион сўмдан ортиқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши, шунингдек, амалга оширилаётган лойиҳалар тўлиқ ишлаб чиқариш қувватига эришиши билан йиллик 5 миллион АҚШ доллари миқдоригача қўшимча экспорт амалга оширилиши ва Давлат бюджетига йиллик 1 миллиард сўмгача қўшимча солиқ тушумлари тушишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 5-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

11. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев ва Тошкент шаҳри ҳокими вазифасини бажарувчи Ш.Б. Умурзаков белгилансин.

Қарор ижросини ҳар ойда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 20 март,  
ПҚ-138-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 20 мартдаги  
ПҚ-138-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**«Янги авлод» махсус саноат зонасининг асосий вазифалари ва  
фаолият йўналишлари**

1. Халқаро брендлар билан ҳамкорликда янги турдаги рақобатбардош юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.
2. Саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини кенгайтириш, жумладан кластер тизимини жорий этиш.
3. Саноат ва хизматлар соҳасини ривожлантириш орқали уларнинг ҳажмини ошириш.
4. Халқаро тоифадаги савдо-логистика фаолиятини йўлга қўйиш.
5. «Янги авлод» МСЗ ва унинг атрофидаги аҳоли пунктлари билан ўзаро боғланган тегишли банк, туризм, савдо ва ижтимоий инфратузилмани яратиш.
6. «Янги авлод» МСЗда соҳалар ва тармоқлар кесимида, шу жумладан кластер тизими асосида Тошкент шаҳрида келгусида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари учун ер участкаларини белгиланган тартибда ижара ҳуқуқи асосида «Янги авлод» МСЗ ҳудудидан тадбиркорлик субъектларига ажратиш, шунингдек, Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган саноат қорхоналарини ягона дислокация асосида «Янги авлод» МСЗ ҳудудида жойлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2024 йил 20 мартдаги  
ПҚ–138-сон қарорига  
5-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 июлдаги «Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–232-сон қарори 15-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш, шу жумладан, кўп квартиралли уйлар, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини қуриш учун ер участкалари Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг қарорига мувофиқ Дирекция томонидан (буюртмачи сифатида) «E-auksion» электрон савдо платформаси орқали (ҳар бир лойиҳага алоҳида техник шарт асосида) аукцион савдоларида сотилади ёки ижарага берилади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 июлдаги «Тошкент шаҳрида давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва шаҳар инфратузилмасини яхшилаш бўйича ҳуқуқий экспериментни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–236-сон қарори 5-бандининг «г» кичик бандида:

биринчи хатбошидаги «уни тўлиқ Жамғармага йўналтириш» сўзлари «уни бир йўла ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти билан тўлиқ Жамғармага йўналтириш» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «жами қурилиш» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аниқланадиган қурилиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI  
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI SOLIQ QO‘MITASI  
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING  
QARORI

**94** “Yagona ijtimoiy to‘lovni taqsimlash, shuningdek xarajatlarni qoplash bo‘yicha summalarning to‘lanishini hamda tashkilotlar tomonidan pensiya, nafaqa va boshqa to‘lovlar uchun xarajatlar amalga oshirilishi tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaror, shuningdek unga o‘zgartirishlarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil  
12-martda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2836-5*

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 14-dekabrda 661-son “Ijtimoiy soliqni taqsimlash, pensiya va boshqa to‘lovlarni to‘lash uchun ajratilgan xarajatlarni qoplash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaroriga muvofiq, O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasini huzuridagi Soliq qo‘mitasi va O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki Boshqaruvi **qaror qiladi**:

1. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar ilovaga muvofiq o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

2. Mazkur qaror O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi hamda O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Iqtisodiyot va moliya vaziri**

**D. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 22-fevral,  
109-son

\* Ushbu qaror «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 13-martda e‘lon qilingan.

**Soliq qo‘mitasi raisi****Sh. KUDBIYEV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 13-fevral,  
2024-03-son

**Markaziy bank raisi****M. NURMURATOV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 8-fevral,  
4/2-son

*Kelishildi:*

**Kambag‘allikni qisqartirish  
va bandlik vaziri****B. MUSAYEV**

*2024-yil 31-yanvar*

**O‘zbekiston kasaba uyushmalari  
Federatsiyasi raisi****K. RAFIKOV**

*2024-yil 10-fevral*

O‘zbekiston Respublikasi  
Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2024-yil  
22-fevraldagi 109-son, Vazirlar Mahkamasi  
huzuridagi Soliq qo‘mitasining 2024-yil  
13-fevraldagi 2024-03-son va Markaziy bank  
Boshqaruvining 2024-yil 8-fevraldagi  
4/2-son qaroriga  
ILOVA

**O‘z kuchini yo‘qotgan deb topilayotgan idoraviy  
normativ-huquqiy hujjatlar  
RO‘YXATI**

1. O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Davlat soliq qo‘mitasi va Markaziy bank Boshqaruvining 2016-yil 5-oktabrdagi 78, 2016-34 va 341-V-son “Yagona ijtimoiy to‘lovni taqsimlash, shuningdek xarajatlarni qoplash bo‘yicha summalarning to‘lanishini hamda tashkilotlar tomonidan pensiya, nafaqa va boshqa to‘lovlar uchun xarajatlar amalga oshirilishi tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 2836, 2016-yil 3-noyabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016-y., 44-son, 516-modda).

2. O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Davlat soliq qo‘mitasi va

Markaziy banki Boshqaruvining 2018-yil 1-martdagi 52, 2018-19 va 341-V-1-son “Yagona ijtimoiy to‘lovni taqsimlash, shuningdek xarajatlarni qoplash bo‘yicha summalarning to‘lanishini hamda tashkilotlar tomonidan pensiya, nafaqa va boshqa to‘lovlar uchun xarajatlar amalga oshirilishi tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 2836-1, 2018-yil 27-mart) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 27.03.2018-y., 10/18/2836-1/0940-son).

3. O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Davlat soliq qo‘mitasi va Markaziy bank Boshqaruvining 2019-yil 10-yanvardagi 3, 2019-03 va 341-V-2-son “Yagona ijtimoiy to‘lovni taqsimlash, shuningdek xarajatlarni qoplash bo‘yicha summalarning to‘lanishini hamda tashkilotlar tomonidan pensiya, nafaqa va boshqa to‘lovlar uchun xarajatlar amalga oshirilishi tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 2836-2, 2019-yil 23-yanvar) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 24.01.2019-y., 10/19/2836-2/2531-son).

4. O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Davlat soliq qo‘mitasi va Markaziy bank Boshqaruvining 2019-yil 25-martdagi 42, 2019-27 va 341-V-3-son “Yagona ijtimoiy to‘lovni taqsimlash, shuningdek xarajatlarni qoplash bo‘yicha summalarning to‘lanishini hamda tashkilotlar tomonidan pensiya, nafaqa va boshqa to‘lovlar uchun xarajatlar amalga oshirilishi tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 2836-3, 2019-yil 8-aprel) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 08.04.2019-y., 10/19/2836-3/2897-son).

5. O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Davlat soliq qo‘mitasi va Markaziy bank Boshqaruvining 2019-yil 8-oktabrdagi 103, 2019-56 va 341-V-4-son “Yagona ijtimoiy to‘lovni taqsimlash, shuningdek xarajatlarni qoplash bo‘yicha summalarning to‘lanishini hamda tashkilotlar tomonidan pensiya, nafaqa va boshqa to‘lovlar uchun xarajatlar amalga oshirilishi tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi qarori (ro‘yxat raqami 2836-4, 2019-yil 18-oktabr) (Qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi, 18.10.2019-y., 10/19/2836-4/3938-son).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ №  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**95** Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти  
(2-сонли БҲС) «Ягона счётлар режаси»га қўшимчалар  
ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3078-4*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 10 сентябрдаги 125-сон буйруғи (рўйхат рақами 3078, 2018 йил 20 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.10.2018 й., 10/18/3078/2073-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БҲС) «Ягона счётлар режаси»га иловага мувофиқ қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 2 февраль,  
103-сон

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил  
2 февралдаги 103-сонли буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти  
(2-сонли БҲС) «Ягона счётлар режаси»га киритилаётган  
қўшимчалар ва ўзгартиришлар**

1. Қуйидаги мазмундаги 22<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«22<sup>1</sup>. 134 000 «Бюджет тизими бюджетларидан ажратиладиган трансфертлар бўйича дебитор қарзлар» счётининг тегишли субсчётлари мазкур Стандартнинг 12-бандига мувофиқ 13 та рақамда юритилади.».

2. Қуйидаги мазмундаги 23<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«23<sup>1</sup>. 149 000 «Бюджет тизими бюджетлари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг келиб тушмаган ҳисобланган даромадлари бўйича дебитор қарздорликлари» счётининг тегишли субсчётларида бюджет тизими

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 18 мартда эълон қилинган.

бюджетлари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларига келиб тушмаган тақсимланиши лозим бўлган Ягона ғазна ҳисобварағидаги маблағлар бўйича дебиторлик қарздорликлар акс эттирилади ҳамда мазкур Стандартнинг 12-бандига мувофиқ 13 та рақамда юритилади.»

3. 26-банд қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«301 300 «Ҳисоб-китоблар марказининг депозити ва Ягона ғазна ҳисобварағидаги вақтинчалик бўш турган маблағларни жалб этиш бўйича мажбуриятлар» счёти депозит ва Ягона ғазна ҳисобварағидаги вақтинчалик бўш турган маблағларнинг ички ҳисоб-китоб марказларида ва тегишли ғазначилик филиалларида очилган ғазна ҳисобварақларига йўналтирилиши;»;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

4. Қўйидаги мазмундаги 27<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«27<sup>1</sup>. 301 300 «Ҳисоб-китоблар марказининг депозити ва Ягона ғазна ҳисобварағидаги вақтинчалик бўш турган маблағларни жалб этиш бўйича мажбуриятлар» счёти депозит ва Ягона ғазна ҳисобварағидаги вақтинчалик бўш турган маблағларни ички ҳисоб-китоб марказларида тўлиқ акс эттириш, тегишли ғазначилик филиалларида очилган ғазна ҳисобварақларига маблағларни манбалари таснифи бўйича йўналтириш мақсадида мазкур Стандартнинг 10-бандига мувофиқ 13 та рақамда юритилади.»

5. Қўйидаги мазмундаги 34<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«34<sup>1</sup>. 324 000 «Бюджет тизими бюджетларидан ажратиладиган трансфертлар бўйича кредитор қарзлар» счётининг тегишли субсчётлари мазкур Стандартнинг 12-бандига мувофиқ 13 та рақамда юритилади.»

6. Қўйидаги мазмундаги 46<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«46<sup>1</sup>. 640 000 «Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан олинган трансфертлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар» счётининг тегишли субсчётлари мазкур Стандартнинг 12-бандига мувофиқ 13 та рақамда юритилади.»

7. 49-банд қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«993 100 «Давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари тушумининг молиявий натижалари» субсчёти мазкур Стандартнинг 12-бандига мувофиқ 13 та рақамда юритилади.»

8. Қўйидаги мазмундаги 50<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«50<sup>1</sup>. 590 000 «Бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг келиб тушмаган ҳисобланган даромадлари» счётининг тегишли субсчётларида бюджет тизими бюджетлари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларига келиб тушмаган тақсимланиши лозим бўлган Ягона ғазна ҳисобварағидаги маблағлар бўйича ҳисобланган даромадлар акс эттирилади ҳамда мазкур Стандартнинг 12-бандига мувофиқ 13 та рақамда юритилади.»

9. 54-банднинг иккинчи хатбошиси ва 55-банднинг иккинчи хатбошисидан «,»503 000 «Бюджетдан молиялаштириш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

10. 58-банднинг иккинчи хатбошиси, 59-банднинг иккинчи хатбошиси, 61-банднинг иккинчи хатбошиси, 67-банднинг иккинчи хатбошиси, 76-банднинг иккинчи хатбошиси ҳамда 281-банддаги «341 400 «Бюджет ташкилот-

ларининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан кредитор қарзлари» «деган сўзлар «151 400 «Бюджет ташкилотларининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» «деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 65-банднинг тўртинчи хатбошидаги «520 450» рақамлари «520 160» рақамлари билан алмаштирилсин.

12. 66-бандда:

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюджет ташкилотлари томонидан маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализацияси амалга оширилганда 911 200 «Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси» субсчёти дебетланади ва 180 000 «Товарларга (ишларга, хизматларга) харажатлар» субсчёти (тайёр маҳсулот реализация қилинганда 163 000 «Тайёр маҳсулот» субсчёти) кредитланади, шунингдек, бир вақтнинг ўзиде 151 200 «Бюджет ташкилотларининг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчёти дебетланади ва 911 200 «Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси» субсчёти кредитланади.»;

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«реализация натижасида олинган фойда бўйича 911 200 «Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси» субсчёти дебетланади ва 520 310 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобланган даромадлари», 520 320 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари» ёки 520 490 «Бюджет ташкилотларининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисобланган даромадлари» субсчётларнинг тегишлисининг кредитига ўтказилади;»;

олтинчи хатбошидаги «911 000» рақамлари «911 100» рақамлари билан алмаштирилсин.

13. 82-бандда:

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюджет ташкилотлари томонидан маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) реализацияси амалга оширилганда 911 200 «Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси» субсчёти дебетланади ва 180 000 «Товарларга (ишларга, хизматларга) харажатлар» субсчёти (тайёр маҳсулот реализация қилинганда 163 000 «Тайёр маҳсулот» субсчёти) кредитланади, шунингдек, бир вақтнинг ўзиде 151 200 «Бюджет ташкилотларининг харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» субсчёти дебетланади ва 911 200 «Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси» субсчёти кредитланади.»;

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«реализация натижасида олинган фойда бўйича 911 200 «Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси» субсчёти дебетланади ва 520 310 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобланган даромадлари», 520 320 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари» ёки 520 490 «Бюджет ташкилотларининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисобланган даромадлари» субсчётлари кредитланади;»;

олтинчи хатбошидаги «911 000» рақамлари «911 100» рақамлари билан алмаштирилсин;

ўн учинчи хатбошидаги «счётининг тегишли субсчётларида» деган сўзлар «субсчётида» деган сўз билан алмаштирилсин.

14. 88-банднинг иккинчи хатбошисидаги «субсчётлари дебетланади» деган сўзлар «субсчётлари кредитланади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. 95-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Депозитга қўйилган маблағлар бўйича фоиз кўринишидаги даромадларнинг ҳисобланиши 151 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчётининг дебетиди ва 520 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари» счётининг тегишли субсчёти кредитиди акс эттирилади. Ушбу фоиз кўринишидаги даромадларнинг келиб тушиши пул маблағларини ҳисобга олувчи тегишли субсчётларнинг дебетиди ва 151 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчётининг кредитиди акс эттирилади.»

16. 100-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«100. 151 400 «Бюджет ташкилотларининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчётида қуйидагилар бўйича:

ходимлар иш жойида овқат билан таъминланганлиги;

болаларнинг мактабгача таълим ташкилотларида (болалар боғчаларида) сақланганлиги;

болаларнинг мусиқа ва санъат мактабларида ўқитилганлиги;

тарбияланувчилар мактаб-интернатларда ва бошқа таълим муассасаларида сақланганлиги учун ота-оналар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар ҳисоби юритилади.

Ота-оналар томонидан тўланган маблағларга 151 400 «Бюджет ташкилотларининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчёт кредитланади ва 102 405 «Мактабгача таълим ташкилотларида болалар таъминоти учун ота-оналардан олинadиган тўловлар», 102 406 «Мактабдан ташқари муассасаларда болалар таъминоти учун ота-оналардан олинadиган тўловлар», 102 408 «Мактаб-интернатлар ва лицейларда болаларнинг таъминоти учун ота-оналардан олинadиган тўловлар» ёки 102 415 «Бошқа таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналардан олинadиган тўловлар» субсчётлари дебетланади. Бунда, тўловлар нақд пулда бюджет ташкилотининг кассасига амалга оширилганда тегишли касса билан боғлиқ ўтказмалар берилади.

Тўловлар ҳисобланганда эса 151 400 «Бюджет ташкилотларининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчётининг дебетиди ва 520 100 «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича ҳисобланган даромадлар» счётининг тегишли субсчётлари кредитиди акс эттирилади.

Болалар мактабгача таълим ташкилотидан чиқариб олинган тақдирда олдиндан тўланган сумма ота-оналарга қайтарилганда 151 400 «Бюджет таш-

килотларининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчётининг дебетига ва пул маблағларини акс эттирувчи субсчётларнинг кредитига ёзилади. Бир вақтнинг ўзида ҳисобланган тўловлар фарқ суммасига сторно ўтказмаси берилади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир тарбияланувчи бўйича алоҳида юритилади.

Ходимлар билан уларнинг иш жойларидан овқатланиш учун олиб бориладиган ҳисоб-китобларда қонунчилик ҳужжатларига кўра касалхоналар, мактабгача таълим ташкилотлари, ногиронлиги бўлган шахслар, шунингдек қариялар уйлари ва бошқа ташкилотлар жойлашган ерда умумий овқатланиш корхоналари бўлмаган ҳолларда уларнинг ходимларига тўлов ҳисобига овқатланиш рухсат этилган бўлиб ушбу ташкилотларнинг ходимлари билан овқатланганлик учун ҳисоб-китоб олиб борилади.

Ходимлар билан улар олган овқатлар учун ҳисоб-китоб юритганда 151 400 «Бюджет ташкилотларининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан дебитор қарзлари» субсчётининг дебетига сарф қилинган озиқ-овқат маҳсулотларининг қиймати ёзилади, бунда, 161 110 «Жорий озиқ-овқат маҳсулотлари» субсчёт кредитланади.

Кредитга ходимлардан овқат учун олинган суммалар ёзиб борилади, бунда тегишли пул маблағларини ҳисобга олувчи субсчётлар дебетланади.»

17. 111-банднинг иккинчи хатбошиси, 282 ва 283-бандлар ҳамда 315-банднинг иккинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «520 200» рақамлари «520 150» рақамлари билан алмаштирилсин.

18. 112-банд қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бюджет ташкилотлари ўртасида тақсимланган маблағлар 154 000 «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан дебитор қарзлари» субсчётининг кредитига ва 102 410 «Вазирликлар ва идораларнинг ажратмалар ҳисобига шаклландиган бюджетдан ташқари жамғармалари» субсчётининг дебетига ёзилади.»

19. 129-банд қўйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Қўйи бюджет ташкилотлари юқори бюджет ташкилотларидан хом ашё ва материалларни марказлашган тартибда олганда, 161 000 «Хом ашё ва материаллар» счётининг тегишли субсчётлари дебетланади ва 901 200 «Марказлашган ҳолда олинган ёки берилган товар-моддий захиралар» субсчётининг кредитига ҳисобга олинади.»;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи ва еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

20. 131-банднинг учинчи ва бешинчи — еттинчи хатбошилари ҳамда 134-банднинг еттинчи хатбошисидаги «750 000 «Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчётининг» деган сўзлар «911 200 «Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси» субсчётининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21. Қўйидаги мазмундаги 133<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«133<sup>1</sup>. 170 000 «Товар-моддий захираларга харажатлар» субсчётида товар-моддий захираларни харид қилиш ва етказиб бериш билан боғлиқ барча харажатлар ҳисобга олинади.

Ушбу субсчётнинг дебетида товар-моддий захираларнинг қиймати акс эттирилади ва 421 100 «Бюджет ташкилотларининг махсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича узоқ муддатли кредитор қарзлари» ёки 341 900 «Бюджет ташкилотларининг бошқа турдаги ҳисоб-китоблардан кредитор қарзлари» счётларининг тегишли субсчётлари кредитланади.

Товар-моддий захираларни харид қилишнинг ҳақиқий қиймати бўйича 170 000 «Товар-моддий захираларга харажатлар» субсчёти кредитланади ва товар-моддий захираларни ҳисобга олувчи субсчётлар дебетланади.»

22. 158-банднинг 2-кичик банди иккинчи, учинчи, бешинчи хатбошилари ва 3-кичик банди иккинчи, учинчи, бешинчи хатбошилари, 185-банднинг 1-кичик банди иккинчи, учинчи, бешинчи хатбошилари ва 2-кичик банди иккинчи, учинчи, бешинчи хатбошилари, 222-банднинг 1-кичик банди иккинчи, учинчи, бешинчи хатбошилари ва 2-кичик банди иккинчи, учинчи, бешинчи хатбошилари ҳамда 308-банднинг биринчи-олтинчи ва саккизинчи хатбошиларидаги «911 000» рақамлари «911 100» рақамлари билан алмаштирилсин.

23. 175-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

24. 253-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«253. 341 400 «Бюджет ташкилотларининг тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблардан кредитор қарзлари» субсчётида қуйидагилар бўйича:

ходимлар иш жойида овқат билан таъминланганлиги;

болаларни мактабгача таълим ташкилотларида (болалар боғчаларида) сақланганлиги;

болаларни мусиқа ва санъат мактабларида ўқитилганлиги;

тарбияланувчиларни мактаб-интернатларда ва бошқа таълим муассасаларида сақланганлиги учун ота-оналар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблардан юзага келган кредитор қарзлар ҳисоби ва бошқа шу каби ҳисоб-китоблар ҳисоби юритилади.

Болаларнинг мактабгача таълим ташкилотларида (болалар боғчаларида) сақланганлиги, болаларни мусиқа ва санъат мактабларида ўқитилганлиги, тарбияланувчиларни мактаб-интернатларда ва бошқа таълим муассасаларида сақланганлиги учун ота-оналар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблардан юзага келган кредитор қарзлар келгуси ҳисоб-китобларда инобатга олинади.»

25. Қуйидаги мазмундаги 308<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«308<sup>1</sup>. 911 200 «Махсулот (иш, хизмат)лар реализацияси» субсчётида тайёр махсулотлар (ишлар, хизматлар), жумладан, ишлаб чиқариш (ўқув) устахоналари, ёрдамчи қишлоқ хўжалик ва ўқув-тажриба хўжаликларининг тайёр махсулотлари ва бошқа махсулотларнинг (иш, хизматлар) реализацияси ҳисобга олинади.

911 200 «Махсулот (иш, хизмат)лар реализацияси» субсётининг кредитига махсулотлар (иш, хизматлар)нинг реализация қилинган суммалари ёзилади (ўзаро тузилган шартнома бўйича) ва 151 000 «Бюджет ташкилотларининг турли ҳисоб-китоблар бўйича дебитор қарзлари» сётининг тегишли

субсчётлари дебетланади. Субсчёт дебетига эса реализация қилинган маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи ёзилади ва 163 000 «Тайёр маҳсулот» субсчёти кредитланади. Агарда, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар реализация қилинаётган бўлса, уларнинг ҳақиқий таннархи 911 200 «Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси» субсчётининг дебетига ва 180 000 «Товар (иш, хизмат)ларга харажатлар» субсчётининг кредитига акс этирилади.

Реализация натижалари бўйича фойда суммасига 911 200 «Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси» субсчёти дебетланади ва 520 310 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси бўйича ҳисобланган даромадлари», 520 320 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлари» ёки 520 490 «Бюджет ташкилотларининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисобланган даромадлари» субсчётлари кредитланади. Аксинча, зарар суммасига 741 000 «Бюджет ташкилотларининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар», 742 000 «Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» ёки 750 000 «Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар» субсчётлари дебетланади ва 911 200 «Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси» субсчёти кредитланади. 911 200 «Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси» субсчёти бўйича қолдиқ қолмайди.»

26. 1-илова:

1) 102 419-қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«

102	900	Ягона ғазна ҳисобварағидаги аниқланмаган тушумлар	+		
102	901	Ягона ғазна ҳисобварағидаги бюджет маблағлари бўйича аниқланмаган тушумлар	+		
102	902	Ягона ғазна ҳисобварағидаги давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар бўйича аниқланмаган тушумлар	+		

»;

2) 111 300-қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«

111	301	Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларга ўтказилган маблағлар	+	+	
111	302	Бюджет ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар	+	+	
111	303	Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар	+	+	

111	306	Мактабдан ташқари таълим муассасаларида болалар таъминоти маблағлари ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар	+	+	
111	309	Ўқув муассасаларида ўқишдан тушаётган пул маблағлари ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар	+	+	
111	310	Ажратмалар ҳисобига шаклланадиган вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар	+	+	
111	314	Тақсимланиши назарда тутилган тушумлар (тиббиёт муассасалари учун) ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар	+	+	
111	315	Бошқа таълим муассасаларида болалар таъминоти бўйича ота-оналар тўлови ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар	+	+	
111	320	Грантлар, инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари бўйича ажратилган маблағлар ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар	+	+	
111	321	Кредит маблағлари ҳисобидан нақд пул олиш учун транзит ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар	+	+	

»;

3) 133 300-қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«

134	000	Бюджет тизими бюджетларидан ажратиладиган трансфертлар бўйича дебитор қарзлар	+		
134	100	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган трансфертлар бўйича дебитор қарзлар	+		
134	200	Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри бюджетидан ажратиладиган трансфертлар бўйича дебитор қарзлар	+		

»;

4) 145 000 — 146 000-қаторлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

145	000	Божхона қўмитасининг ғазначиликда миллий валютадаги депозит шахсий ғазна ҳисобварағи даромадлар бўйича дебитор қарзлар	+		
146	000	Ўтган йилги дебиторлик қарздорликлар, камомадлар, текширув натижасига кўра тўловлар бўйича даромадларнинг дебитор қарзлари	+	+	

»;

5) 146 000-қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«

149	000	Бюджет тизими бюджетлари ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг келиб тушмаган ҳисобланган даромадлари бўйича дебитор қарздорликлар	+		
149	100	Давлат бюджетининг келиб тушмаган ҳисобланган даромадлари бўйича дебитор қарздорликлар	+		
149	200	Давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг келиб тушмаган ҳисобланган даромадлари бўйича дебитор қарздорликлар	+		

»;

6) 231 311-қатор қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«

231	311	Ишчи ҳайвонлар амортизацияси		+	
-----	-----	------------------------------	--	---	--

»;

7) 233 200 — 233 320 ва 233 332-қаторлар чиқариб ташлансин;

8) 301 100-қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«

301	101	Ҳисоб-китоблар марказининг ички ҳисоб-китоб марказлари билан давлат бюджети маблағлари бўйича мажбуриятлари	+		
301	102	Ҳисоб-китоблар марказининг ички ҳисоб-китоб марказлари билан давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари бўйича мажбуриятлари	+		
301	200	Ички ҳисоб-китоб марказларидан ҳисоб-китоблар марказининг тақсимланиши назарда тутилган маблағлари бўйича мажбуриятлари	+		
301	201	Ички ҳисоб-китоб марказларидан ҳисоб-китоблар марказининг тақсимланиши назарда тутилган давлат бюджети маблағлари бўйича мажбуриятлари	+		
301	202	Ички ҳисоб-китоб марказларидан ҳисоб-китоблар марказининг тақсимланиши назарда тутилган Давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари бўйича мажбуриятлари	+		
301	300	Ҳисоб-китоблар марказининг депозит ва Ягона ғазна ҳисобварағидаги вақтинчалик бўш турган маблағларни жалб этиш бўйича мажбуриятлари	+		
301	301	Ҳисоб-китоблар марказининг депозит маблағлари бўйича мажбуриятлари	+		
301	302	Ҳисоб-китоблар марказининг Ягона ғазна ҳисобварағидаги вақтинчалик бўш турган маблағларни жалб этиш бўйича мажбуриятлари	+		

»;

9) 301 900-қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«

301	901	Ягона ғазна ҳисобварағидаги давлат бюджетига аниқланмаган тушумлар бўйича мажбуриятлар	+		
301	902	Ягона ғазна ҳисобварағидаги давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларга аниқланмаган тушумлар бўйича мажбуриятлар	+		

»;

10) 323 300-қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«

324	000	Бюджет тизими бюджетларидан ажратиладиган трансфертлар бўйича кредитор қарзлар	+		
324	100	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган трансфертлар бўйича кредитор қарзлар	+		
324	200	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг ажратиладиган трансфертлар бўйича кредитор қарзлари	+		

»;

11) 520 200-қатордаги «520 200» рақамлари «520 150» рақамлари билан алмаштирилсин;

12) 520 150-қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«

520	160	Бюджет ташкилотлари томонидан стационар даволаш-профилактика муассасаларида даволанаётганлар таркиби овқатланиши учун ундириладиган тўловлар бўйича ҳисобланган даромадлар	+	+	
-----	-----	--	---	---	--

»;

13) 520 450-қатор чиқариб ташлансин;

14) 550 000-қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«

590	000	Бюджет тизими бюджетларининг ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларининг келиб тушмаган ҳисобланган даромадлари	+		
590	100	Давлат бюджетининг келиб тушмаган ҳисобланган даромадлари	+		
590	200	Давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларининг келиб тушмаган ҳисобланган даромадлари	+		

»;

15) 630 000-қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«

640	000	Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан олинган трансфертлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар	+		
640	100	Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан олинган трансфертлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар	+		
640	200	Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетидан олинган трансфертлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар	+		

»;

16) 911 000-қатор қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«

911	000	Номолиявий активлар ва маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси		+	
-----	-----	--	--	---	--

»;

17) 911 000-қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«

911	100	Номолиявий активлар реализацияси		+	
911	200	Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси		+	

».

О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL XO‘JALIGI VAZIRINING  
BUYRUG‘I

**96** Ko‘p kvartirali uylarda umumiy mol-mulkni saqlash, undan foydalanish va uni ta‘mirlash hamda ko‘p kvartirali uyga tutash yer uchastkasini obodonlashtirish uchun majburiy badallar yoki to‘lovlarning eng kam miqdorini aniqlash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil  
15-martda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3501*

O‘zbekiston Respublikasining “Ko‘p kvartirali uylarni boshqarish to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 15-avgustdagi PQ–278-son “Ko‘p kvartirali uylarni boshqarishni yanada samarali tashkil qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Ko‘p kvartirali uylarda umumiy mol-mulkni saqlash, undan foydalanish va uni ta‘mirlash hamda ko‘p kvartirali uyga tutash yer uchastkasini obodonlashtirish uchun majburiy badallar yoki to‘lovlarning eng kam miqdorini aniqlash tartibi to‘g‘risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi, Raqobatni rivojlantirish va iste‘molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasi, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo‘yicha vakili hamda Savdo-sanoat palatasi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

Toshkent sh.,  
2024-yil 12-mart,  
01/2-4-son

**B. ZAKIROV**

*Kelishildi:*

**Savdo-sanoat palatasi raisi**

*2024-yil 20-fevral*

**D. VAXABOV**

**Iqtisodiyot va moliya vaziri**

*2024-yil 4-mart*

**D. KUCHKAROV**

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 15-martda e‘lon qilingan.

*Raqobatni rivojlantirish va  
iste'molchilar huquqlarini himoya  
qilish qo'mitasi raisi o'rinbosari*

*A. QAYUMOV*

*2024-yil 5-mart*

*Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari  
va qonuniy manfaatlarini himoya  
qilish bo'yicha vakil*

*D. KASIMOV*

*2024-yil 27-fevral*

O'zbekiston Respublikasi  
qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi vazirining  
2024-yil 12-martdagi 01/2-4-son buyrug'iga  
ILOVA

**Ko'p kvartirali uylarda umumiy mol-mulkni saqlash, undan  
foydalanish va uni ta'mirlash hamda ko'p kvartirali uyga tutash  
yer uchastkasini obodonlashtirish uchun majburiy badallar yoki  
to'lovlarning eng kam miqdorini aniqlash tartibi to'g'risidagi  
NIZOM**

Mazkur Nizom ko'p kvartirali uylarda umumiy mol-mulkni saqlash, undan foydalanish va uni joriy ta'mirlash hamda ko'p kvartirali uyga tutash yer uchastkasini obodonlashtirish (bundan buyon matnda ko'p kvartirali uylarni saqlash deb yuritiladi) uchun majburiy badallar yoki to'lovlarning (bundan buyon matnda majburiy badallar yoki to'lovlar deb yuritiladi) eng kam miqdorini aniqlash tartibini belgilaydi.

**1-bob. Majburiy badallar yoki to'lovlarning eng kam miqdorini  
belgilashda xarajatlar tarkibi**

1. Majburiy badallar yoki to'lovlarning eng kam miqdorini aniqlashda foydalaniladigan xarajatlar quyidagilardan tashkil topadi:

a) mazkur Nizomning ilovasida ko'rsatilgan ko'p kvartirali uylarni talab darajasida saqlanishini ta'minlash uchun zarur bo'lgan xizmatlar va ishlarning minimal ro'yxatidagi xizmatlarni amalga oshirish bilan bog'liq xarajatlar;

b) ko'p kvartirali uyni boshqarish bilan bog'liq quyidagi xarajatlar:

ko'p kvartirali uyni boshqarish organining (bundan buyon matnda boshqarish organi deb yuritiladi) ma'muriy xodimlari hamda ishchi xizmatchilari mehnatiga haq to'lash;

boshqarish organining ko'p kvartirali uyni boshqarish uchun zarur bo'lgan texnika, aloqa va axborot-kommunikatsiya texnologiyalari vositalarini saqlash hamda ularga xizmat ko'rsatish;

boshqarish organining ma'muriy ehtiyojlari uchun binolar va xonalar ijarasi haqini to'lash;

boshqarish organining xodimlarini majburiy sug'urta qilish;

ko'p kvartirali uyni boshqarish bilan bog'liq bo'lgan to'lovlar tijorat banklari va elektron to'lov tizimlari orqali amalga oshirilganda, mazkur to'lovlar o'tkazilganligi uchun olinadigan vositachilik haqlari;

boshqarish organi xodimlarining malakasini oshirish.

## **2-bob. Ko'p kvartirali uyni saqlashda 1 metr kvadrat maydon uchun majburiy badallar yoki to'lovlarning eng kam miqdorini hisoblash**

2. Ko'p kvartirali uyni saqlashda 1 metr kvadrat maydon uchun majburiy badallar yoki to'lovlarning eng kam miqdori quyidagi formula bo'yicha hisoblanadi:

$$B_3 = \frac{(X + F) - D}{M_{\text{umum}} * 12} \text{ сўм}$$

Bu erda:

$B_3$  — ko'p kvartirali uydagi turar joy va yashash uchun mo'ljallanmagan joy umumiy maydonining 1 metr kvadrati uchun oylik majburiy badal yoki to'lovning eng kam miqdori;

$X$  — ushbu Nizomning 1-bandida nazarda tutilgan yillik rejalashtirilayotgan xarajatlar summasi;

$F$  — rejalashtirilayotgan zaruriy foyda summasi (ushbu summa ko'p kvartirali uy faqat boshqaruvchi tashkilot yoki boshqaruvchi tomonidan boshqarilganda inobatga olinadi).

Bunda, boshqaruvchi tashkilot yoki boshqaruvchi tomonidan o'z faoliyatidan olinishi rejalashtirilgan zaruriy foyda miqdori ko'p kvartirali uydagi turar joylar va yashash uchun mo'ljallanmagan joylar mulkdorlarining (bundan buyon matnda joylar mulkdorlari deb yuritiladi) umumiy yig'ilishida kelishiladi va umumiy yig'ilish qarori bilan tasdiqlanadi;

$D$  — umumiy xarajatlarni qoplashga yo'naltiriladigan (joylar mulkdorlarining majburiy badalidan tushumni hisobga olmagan holda) boshqa daromad va tushum manbalari, jumladan:

ko'p kvartirali uyning ijaraga berilgan yerto'la qismlari hamda boshqa umumiy mol-mulki uchun ijarachilardan kelib tushadigan mablag'lar. Bunda ijaraga oluvchilarning kommunal to'lovlari alohida yuritilishi, majburiy badal xarajatlariga kiritilmasligi lozim;

ko'p kvartirali uyni kapital va joriy ta'mirlash ishlari hamda ko'p kvartirali uyga tutash yer uchastkasini obodonlashtirish uchun Qoraqalpog'iston Respublikasi budjeti, viloyatlar va Toshkent shahar mahalliy budjetlari, tumanlar va shaharlar budjetlarining qo'shimcha manbalaridan ajratiladigan mablag'lar, "Tashabbusli budjet" loyihasi doirasida g'olib deb topilgan loyihalar uchun ajratilgan

mablag'lar, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi vazirligi faoliyatini qo'llab-quvvatlash jamg'armasidan ajratiladigan mablag'lar;

yuridik va jismoniy shaxslarning homiylik va xayriya tarzidagi mablag'lari;

boshqarish organi bilan kommunal xizmat ko'rsatuvchi tashkilotlar o'rtasida tuzilgan joylar mulkdorlaridan kommunal xizmatlar uchun haq yig'ishda yordam ko'rsatish to'g'risidagi shartnomalarga asosan kommunal xizmatlar uchun yig'ilgan mablag'lardan boshqarish organiga beriladigan ajratmalar;

o'tgan hisobot davrida joylar mulkdorlarining majburiy badallari yoki to'lovlaridan olingan boshqarish organlarining xarajatlaridan ortiqcha mablag'lar;

qonunchilik hujjatlarida taqiqlanmagan boshqa manbalardan tushadigan mablag'lar;

$M_{\text{umum}}$  — ko'p kvartirali uydagi turar joy va yashash uchun mo'ljallanmagan joyning umumiy maydoni.

3. Boshqarish organi boshqaruvidagi ko'p kvartirali uylarning 1 metr kvadrat maydoni uchun oylik majburiy badal yoki to'lovning o'rtacha miqdori quyidagi formula bo'yicha aniqlanadi:

$$T_{\text{or}} = \frac{T_1 + T_2 + T_3 + \dots + T_n}{n}$$

Bu erda:

$T_{\text{or}}$  — boshqarish organi boshqaruvidagi qavatlar tasnifi bo'yicha ko'p kvartirali uylardagi turar joylar va yashash uchun mo'ljallanmagan joylarning 1 metr kvadrati uchun oylik majburiy badallar yoki to'lovlarning o'rtacha miqdori;

$T_1 + T_2 + T_3 + \dots + T_n$  — qavatlar tasnifi bo'yicha har bir ko'p kvartirali uylarning 1 metr kvadrat maydoni uchun majburiy badallar yoki to'lovlar miqdori ( $B_3$ );

$n$  — boshqarish organi boshqaruvidagi qavatlar tasnifi bo'yicha ko'p kvartirali uylar soni.

Bunda, mazkur formula qavatlar tasnifi, ya'ni faqat bir xil qavatli (ikki, uch, to'rt qavatli va boshqa qavatli uylar) ko'p kvartirali uylar bo'yicha qo'llaniladi va har xil qavatli uylar bo'yicha alohida hisob-kitoblar qilinadi.

4. Boshqarish organi tomonidan bir nechta ko'p kvartirali uy boshqarilganda, mazkur Nizom 1-bandining "b" kichik bandida nazarda tutilgan tadbirlardan kelib chiqadigan xarajatlar boshqaruvdagi ko'p kvartirali uylar soniga mutanosib ravishda taqsimlangan holda har bir ko'p kvartirali uyni boshqarish bilan bog'liq xarajatlarga mutanosib aniqlanadi.

5. Ko'p kvartirali uyni boshqarish smetasining xarajatlar qismi daromadlar qismidan oshib ketishi mumkin emas.

6. Joylar mulkdorlarining majburiy badallar yoki to'lovlaridan olingan boshqarish organlarining xarajatlaridan ortiqcha mablag'lar kelgusi davr uchun majburiy badallar yoki to'lovlarni belgilashda inobatga olinadi.

### **3-bob. Ko'p kvartirali uylarni saqlash bo'yicha majburiy badallar yoki to'lovlarning eng kam miqdorini belgilash**

7. Ko'p kvartirali uylarni saqlash bo'yicha majburiy badallar yoki to'lovlarning eng kam miqdori har ikki yilda bir marta belgilanadi.

8. Boshqarish organlari boshqaruvidagi qavatlar tasnifi bo'yicha ko'p kvartirali uylarning 1 metr kvadrati uchun majburiy badallar yoki to'lovlarning o'rtacha miqdorlari to'g'risidagi ma'lumotlarni yilning 1-dekabriga qadar tuman (shahar) qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi bo'limlariga (uy-joy kommunal xo'jaligi bo'limlariga) yozma shaklda taqdim etadi.

Boshqarish organlari tomonidan ko'p kvartirali uylarni saqlashda 1 metr kvadrat maydon uchun majburiy badallar yoki to'lovlarni hisoblash uchun asos bo'lgan hujjatlar nusxasi va ma'lumotlar ilova qilinadi (dalolatnoma, hisob-faktura, foto, videotasvirlar va boshqalar).

Boshqarish organlari tomonidan ko'p kvartirali uylarni saqlash bo'yicha amalga oshirilgan ishlar yuzasidan tuzilgan dalolatnomalar joylar mulkdorlari tomonidan imzolangan bo'lishi kerak.

9. Tuman (shahar) qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi bo'limlari (uy-joy kommunal xo'jaligi bo'limlari) boshqarish organlari tomonidan taqdim etilgan hujjatlar va ma'lumotlarning asosligi hamda to'g'ri hisoblanganligini o'rganib chiqadi.

Ko'p kvartirali uylarning 1 metr kvadrati uchun majburiy badallar yoki to'lovlarning o'rtacha miqdorlarini asoslovchi hujjatlar va ma'lumotlar taqdim etilmagan yoxud taqdim etilgan ma'lumotlar asoslantirilmagan taqdirda, boshqarish organi tomonidan taqdim etilgan ma'lumotlar inobatga olinmaydi.

10. Tuman (shahar) qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi bo'limlari (uy-joy kommunal xo'jaligi bo'limlari) tomonidan taqdim etilgan ma'lumotlar umumlashtirilgan holda boshqarish organlari kesimida yilning 10-dekabriga qadar Qoraqalpog'iston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi vazirligi, viloyatlar Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi bosh boshqarmalari va Toshkent shahar Uy-joy kommunal xo'jaligi bosh boshqarmasiga yuboriladi, bundan mazkur Nizomning 9-bandi ikkinchi xatboshisida ko'rsatilgan ma'lumotlar mustasno.

11. Qoraqalpog'iston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi vazirligi, viloyatlar Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi bosh boshqarmalari va Toshkent shahar Uy-joy kommunal xo'jaligi bosh boshqarmasi taqdim etilgan ko'p kvartirali uylarning 1 metr kvadrati uchun majburiy badallar yoki to'lovlarning o'rtacha miqdorlarining asosligi hamda to'g'ri hisoblanganligini tanlanma usulda o'rganib chiqadi.

O'rganish natijasida ko'p kvartirali uylarning 1 metr kvadrati uchun majburiy badallar yoki to'lovlarning o'rtacha miqdorlari asossiz ekanligi yoki noto'g'ri hisoblanganligi aniqlansa, ushbu boshqarish organi tomonidan taqdim etilgan majburiy badallar yoki to'lovlar miqdorlari inobatga olinmaydi.

12. Qoraqalpog'iston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi vazirligi, viloyatlar Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi bosh boshqarmalari va Toshkent shahar Uy-joy kommunal xo'jaligi bosh boshqarmasi tumanlar va

boshqarish organlari kesimida ma'lumotlarni umumlashtirib, yilning 20-dekabriga qadar O'zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi vazirligiga taqdim qiladi, bundan mazkur Nizomning 11-bandi ikkinchi xatboshisida ko'rsatilgan ma'lumotlar mustasno.

13. O'zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi vazirligi tomonidan respublika bo'yicha boshqarish organlari tomonidan taqdim etilgan qavatlar tasnifi bo'yicha ko'p kvartirali uylarning 1 metr kvadrati uchun majburiy badallar yoki to'lovlarning o'rtacha miqdorlari har bir tuman (shahar) kesimida umumlashtiriladi hamda mazkur Nizomning 4-bandida ko'rsatilgan formuladan foydalangan holda majburiy badallar yoki to'lovlarning eng kam miqdorlari hisoblab chiqariladi.

14. Mazkur Nizomning 13-bandida belgilangan tartibda hisoblab chiqarilgan qavatlar tasnifi bo'yicha ko'p kvartirali uylarning 1 metr kvadrati uchun majburiy badallar yoki to'lovlarning eng kam miqdorlari O'zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi vazirining buyrug'i bilan yilning 30-dekabriga qadar har bir tuman (shahar) kesimida belgilanadi.

15. Ko'p kvartirali uylarning 1 metr kvadrati uchun majburiy badallar yoki to'lovlarning eng kam miqdorlari belgilangan kundan boshlab 1 ish kuni ichida O'zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi vazirligining rasmiy veb-saytiga joylashtiriladi hamda boshqa ommaviy axborot vositalarida e'lon qilinadi.

#### 4-bob. Yakuniy qoida

16. Mazkur Nizom talablari buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javobgar bo'ladi.

Ko'p kvartirali uylarda umumiy mol-mulkn  
saqlash, undan foydalanish va uni ta'mirlash  
hamda ko'p kvartirali uyga tutash yer  
uchastkasini obodonlashtirish uchun majburiy  
badallar yoki to'lovlarning eng kam miqdorini  
aniqlash tartibi to'g'risidagi nizomga  
ILOVA

#### **Ko'p kvartirali uylarni talab darajasida saqlanishini ta'minlash uchun zarur bo'lgan xizmatlar va ishlarning minimal RO'YXATI**

T/r	Xizmatlar va ishlar	Davriyligi
<b>Umumiy foydalanishdagi mol-mulkn saqlash</b>		
1.	Ko'p kvartirali uylardagi umumiy foydalanishdagi obyektlarni elektr energiyasi bilan ta'minlash	doimiy
2.	Lift uskunalari texnik monitoring qilish (ixtisoslashgan xizmat ko'rsatuvchi tashkilot bilan shartnomalar tuzilgan hollarda)	doimiy

3.	Ko'p kvartirali uylarning fasad va kirish yo'laklarini talab darajasida saqlash va ta'mirlash (uyga kirish yo'lagi eshik va devorlarini ta'mirlash, suvash, bo'yash)	zaruratga ko'ra
4.	Yerto'lada o'rnatilgan ichimlik suvi nasoslarini texnik soz holda bo'lishini ta'minlash (qurilishda suv nasoslarini o'rnatish loyihalashtirilmagan ko'p kvartirali uylar bundan mustasno)	doimiy
5.	Ko'p kvartirali uylarning tom qismi gidroizolatsiya qatlamini tiklash va yamash, yerto'ladagi kommunikatsiya tarmoqlari, shaxtalardagi kommunikatsiya tarmoqlari, elektr energiyasi tarmoqlarini soz holda saqlash va joriy ta'mirlash (bo'yash, oqlash, yamash, umumiy foydalanishdagi elektr kabellarini almashtirish, tik va yotiq quvurlarni, ichimlik suvi quvurlarini ta'mirlash va boshqalar)	doimiy
6.	Novlarni soz holatda saqlash va ularni doimiy tozalash	doimiy
7.	Isitishning uy ichidagi tizimini gidravlik presslash va uni tarmoqdagi suv bilan to'ldirgan holda yuvish (lokal va markaziy isitish tizimida isitiladigan uylar uchun), shuningdek, uy ichidagi issiqlik tizimlarini zarur tarzda saqlash va xizmat ko'rsatish	bir yilda bir marta
8.	Ko'p kvartirali uylarning issiqlik izolatsiyasini ta'minlash, shu jumladan germetizatsiya hamda kirish yo'laklarining deraza va eshik yoriqlarini (shu jumladan shaxtalar va tuynuklarni) oyna bilan berkitish ishlarini bajarish bo'yicha tegishli chora-tadbirlar ko'rish	kuz-qish mavsumida
9.	Ko'p kvartirali uylarni deratizatsiyalash va dezinseksiyalash, uyga tutash hududdagi mahalliy tozalash inshootlari (septiklar) va tashqi hojatxonalarni dezinfeksiyalash	zaruratga ko'ra
10.	Oqova xandaqlarini (o'ralarini) bo'shatish (oqova tarmog'iga ulanmagan uylar uchun)	uch oyda bir marta
11.	Ko'p kvartirali uylarning kirish yo'laklari va lift xonalarini tozalash	haftada bir marta
12.	Yong'inga qarshi tadbirlarni amalga oshirish	doimiy
<b>Ko'p kvartirali uylarga tutash hududlarni obodonlashtirish</b>		
13.	Boshqaruv organlari boshqaruvidagi ko'p kvartirali uylarga tegishli bo'lgan bolalar va sport maydonchalarining texnik holatini saqlash, tozaligini ta'minlash hamda ularni ta'mirlash	doimiy
14.	Hududni obodonlashtirish, o't o'rish, daraxtlarni butalash	doimiy
15.	Noqulay ob-havo sharoitida kirish yo'laklarini qordan tozalash va muzlarni tushirish	zaruratga ko'ra
16.	Tutash hududlarni tozalash (supurish)	uch kunda bir marta

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**97** Солиқ маслаҳати миллий стандарти (1-сонли СММС)  
«Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғриси-  
да шартнома тузиш тартиби»ни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
15 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3502*

Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Солиқ маслаҳати миллий стандарти (1-сонли СММС) «Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш тартиби» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 29 мартдаги 31-сон «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (1-сонли СММС) «Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2357, 2012 йил 3 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 18-сон, 206-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Солиқ маслаҳатчилари палатаси билан келишилган.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 12 февраль,  
106-сон

*Келишилди:*

**Ўзбекистон Солиқ маслаҳатчилари  
палатаси бошқаруви раиси**

**Б. НАБИЖОНОВ**

*2024 йил 2 февраль*

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 19 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил  
12 февралдаги 106-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Солиқ маслаҳати миллий стандарти (1-сонли СММС)  
«Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида  
шартнома тузиш тартиби»**

Ушбу Солиқ маслаҳати миллий стандарти (1-сонли СММС) (бундан буён матнда стандарт деб юритилади) Ўзбекистон Республикасида солиқ маслаҳати бўйича фаолиятни норматив тартибга солишнинг элементи ҳисобланади.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу стандартнинг мақсади солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) тузиш тартибини белгилаш ҳисобланади.

2. Ушбу стандарт солиқ маслаҳатчилари ташкилоти томонидан кўрсатилган солиқ маслаҳати бўйича хизматларга нисбатан татбиқ этилади.

**2-боб. Шартнома тузиш бўйича талаблар**

3. Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг реестрига киритилган солиқ маслаҳатчилари ташкилоти ҳамда юридик ва жисмоний шахслар (бундан буён матнда мижоз (ишонч билдирувчи) деб юритилади) ўртасида ёзма шаклда тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

4. Шартнома ҳар бир томон учун бир нусхадан тузилади ҳамда солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари ва мижоз (ишонч билдирувчи) томонидан имзоланади.

5. Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти мижоз (ишонч билдирувчи) билан унинг яшаш жойи ва жойлашган еридан (почта манзилидан) қатъи назар, шартнома тузишга ҳақли.

6. Солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари томонидан солиқ маслаҳати бўйича биргаликда хизматлар кўрсатилганда, шартномани биргаликда хизматларни кўрсатувчи ҳар бир солиқ маслаҳатчилари ташкилоти имзолаши мумкин.

7. Солиқ маслаҳати бўйича биргаликда хизматлар кўрсатиш чоғида мижоз (ишонч билдирувчи) билан шартнома ҳар бир солиқ маслаҳатчилари ташкилоти билан алоҳида-алоҳида тузилиши мумкин.

8. Шартноманинг асосий шартлари қуйидагилардан иборат:  
махфийликка риоя қилиш шартлари;  
солиқ маслаҳатчилари ташкилоти солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг реестрига киритилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;  
солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта полиси мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар.

9. Шартномага солиқ маслаҳатчилари ташкилоти томонидан мижоз (ишонч билдирувчи) учун қуйидаги ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади:

солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг фуқаролик жавобгарлиги суғурта полиси;

солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг реестрига киритилганлиги тўғрисидаги маълумот.

Шартномадаги солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг реквизитларида унинг солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг реестридаги рақами ҳамда фуқаролик жавобгарлигини суғурта полисининг рақами ва берилган санаси кўрсатилади.

10. Шартноманинг предмети қуйидагилардан иборат:

мижозга (ишонч билдирувчига) солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш, солиқ ҳисоботини тайёрлаш ва тақдим этиш масалалари бўйича маслаҳат бериш;

солиқ ҳисоботини (декларациясини) тайёрлашни, шу жумладан солиқ ҳисоботини (декларациясини) мижоз (ишонч билдирувчи) номидан унинг шахсий кабинети орқали тақдим этиш;

ортиқча ундирилган ёки ортиқча тўланган солиқлар ҳисобидан солиқ қарзини қайтариш ва (ёки) тўлаш, солиқларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш учун солиқ органларига тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатларни қонунчиликда белгиланган ҳолларда тайёрлаш;

солиқ ҳисобини юритиш;

солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ бўлган объектларни аниқлаш;

солиққа оид ва молиявий таваккалчиликларни таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш, мижозга (ишонч билдирувчига) солиқ имтиёзларини қўллашга доир тавсиялар тақдим этиш;

судларда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларда солиққа оид ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ бўлган иқтисодий, фуқаролик, жиноят ишларини ҳамда маъмурий ишларни кўриб чиқишда вакиллик қилиш;

мижоз (ишонч билдирувчи) томонидан ўз солиқ мажбуриятлари муайян давр учун, шу жумладан ихтиёрий равишда тугатилаётганда тўғри бажарилишини текшириш;

солиққа оид ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ бўлган бошқа хизматлар.

11. Шартномага солиқ маслаҳати бўйича бир ёки бир нечта хизмат турлари киритилиши мумкин.

12. Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатишнинг муддатлари шартноманинг предметидан келиб чиқиб белгиланади.

13. Солиқ маслаҳати бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун амалга ошириладиган тўловнинг миқдори, шартлари ва муддатлари шартноманинг предмети ва хизматлар кўрсатишнинг муддатидан келиб чиқиб белгиланади.

**3-боб. Яқуний қоидалар**

14. Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти тузилган шартнома бўйича хизмат кўрсатиш учун миждознинг (ишонч билдирувчининг) розилиги билан солиқ маслаҳатида иштирок этишга зарур бўлган бошқа мутахассисларни жалб қилишга ҳақли.

15. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH AGENTLIGI DIREKTORINING  
BUYRUG'I

**98** Maydoni 2 000 metr kvadratgacha bo'lgan bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektlarini jismoniy shaxslarning onlayn-buyurtmanomasiga asosan xususiylashtirish yoki ijaraga berish uchun to'g'ridan-to'g'ri elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida\*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil  
18-fevralda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3503*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 24-martdagi PQ-101-son "Davlat aktivlarini boshqarish agentligi faoliyatini samarali tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi va 2023-yil 24-martdagi PQ-102-son "Iqtisodiyotda davlat ishtirokini qisqartirishning qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorlari ijrosini ta'minlash maqsadida **buyuraman:**

1. Maydoni 2 000 metr kvadratgacha bo'lgan bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektlarini jismoniy shaxslarning onlayn-buyurtmanomasiga asosan xususiylashtirish yoki ijaraga berish uchun to'g'ridan-to'g'ri elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarish tartibi to'g'risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Direktor**

**A. ORTIKOV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 13-fevral,  
56-son

*Kelishildi:*

**Iqtisodiyot va moliya vaziri**

**D. KUCHKAROV**

*2024-yil 12-fevral*

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 25-martda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi  
Davlat aktivlarini boshqarish agentligi  
direktorining 2024-yil 13-fevraldagi 56-son  
buyrug'iga  
ILOVA

**Maydoni 2 000 metr kvadratgacha bo'lgan bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektlarini jismoniy shaxslarning onlayn-buyurtmanomasiga asosan xususiylashtirish yoki ijaraga berish uchun to'g'ridan-to'g'ri elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarish tartibi to'g'risidagi NIZOM**

Ushbu Nizom maydoni 2 000 metr kvadratgacha bo'lgan bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektlarini jismoniy shaxslarning onlayn-buyurtmanomasiga asosan xususiylashtirish yoki ijaraga berish uchun to'g'ridan-to'g'ri elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarish tartibini belgilaydi.

**1-bob. Umumiy qoidalar**

1. Mazkur Nizomda quyidagi asosiy tushunchalardan foydalaniladi:

**jismoniy shaxslar** — O'zbekiston Respublikasi fuqarolari, chet el fuqarolari, shuningdek fuqaroligi bo'lmagan shaxslar;

**axborot tizimi** — O'zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligining (bundan buyon matnda Davaktiv agentligi deb yuritiladi) "Davlat mulki" axborot tizimida joriy etilgan, onlayn-buyurtmanomalarni qabul qilish va ularni qayta ishlash maxsus moduli;

**bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyekti** — davlatga mulk huquqi asosida tegishli umumiy maydoni 2 000 metr kvadratgacha bo'lgan, belgilangan muddatda qurilishi tugallanmagan obyektlar, uch oydan ortiq muddat davomida bo'sh turgan foydalanilmayotgan yashash uchun mo'ljallanmagan bino va inshootlar, ishlab chiqarish maydonlari, shu jumladan umumiy maydonining 50 foizidan ko'p qismidan (bir bino yoki noturar joy xonasi konturi doirasida) tovarlar ishlab chiqarishda (ishlar bajarish, xizmatlar ko'rsatish) foydalanilmayotgan obyektlar (mavsumiy tisdagi faoliyat amalga oshiriladigan obyektlar bundan mustasno);

**ijtimoiy soha obyektlari** — davlat maktabgacha, maktab va o'rta maxsus ta'lim, professional va oliy ta'lim muassasalari, kinoteatrlar, klublar, konsert-tomosha ko'rsatish muassasalari, sog'liqni saqlash, sport, madaniyat, kinolashtirish obyektlari, madaniy meros obyektlari, madaniyat va istirohat bog'lari (ushbu sohadagi vazirliklar, idoralar, ularning hududiy va tarkibiy bo'linmalarining ma'muriy binolaridan tashqari);

**onlayn-buyurtmanoma** — jismoniy shaxslarning axborot tizimi orqali bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektlarini xususiylashtirish yoki ijaraga berish uchun to'g'ridan-to'g'ri elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarish bo'yicha yuboradigan elektron murojaati;

**“E-auksion” elektron savdo platformasi** (bundan buyon matnda elektron onlayn-auksion deb yuritiladi) — elektron onlayn-auksion va tanlovlarni tashkil etish hamda o‘tkazish uchun zarur axborotni kiritish, saqlash va qayta ishlash, shuningdek, jismoniy va yuridik shaxslarning bunday auksion va tanlovlar jarayoniga kirish hamda ularda qatnashish imkonini ta’minlaydigan axborot tizimi;

**balansda saqlovchi** — bo‘sh turgan davlat ko‘chmas mulk obyektini o‘z balansida hisobga olgan davlat tashkiloti, shu jumladan, davlat muassasasi va davlat unitar korxonasi;

**ijaraga beruvchi** — Davaktiv agentligi huzuridagi Davlat mulki obyektlaridan samarali foydalanish markazi va uning hududiy boshqarmalari;

**sotuvchi** — Davaktiv agentligi va uning hududiy boshqarmalari.

2. Bo‘sh turgan davlat ko‘chmas mulk obyektlarini jismoniy shaxslarning onlayn-buyurtmanomalariga asosan xususiylashtirish yoki ijaraga berish uchun elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarish ushbu Nizomning ilovasida\* keltirilgan sxemaga muvofiq amalga oshiriladi.

3. Bo‘sh turgan davlat ko‘chmas mulk obyektlarini xususiylashtirish shartlari, agar qonunchilik hujjatlarida yoki Davlat aktivlarini xususiylashtirish va xususiylashtirish jarayonlarini muvofiqlashtirish davlat komissiyasining qarorlarida boshqacha qoida belgilanmagan bo‘lsa, sotuvchi tomonidan belgilanadi.

4. Jismoniy shaxslarning onlayn-buyurtmanomasiga asosan xususiylashtirish yoki ijaraga berish uchun to‘g‘ridan-to‘g‘ri elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarilgan bo‘sh turgan davlat ko‘chmas mulk obyektlari bo‘yicha savdolarini o‘tkazish O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 12-yanvardagi 18-son qarori bilan tasdiqlangan “E-auksion” elektron savdo platformasida elektron onlayn-auksion va tanlovlarni tashkil etish hamda o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomda belgilangan tartibda amalga oshiriladi.

## **2-bob. Onlayn-buyurtmanoma berish va uni ko‘rib chiqish**

5. Jismoniy shaxslar o‘zlari aniqlagan bo‘sh turgan davlat ko‘chmas mulk obyektini elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarish uchun Davaktiv agentligining axborot tizimi orqali onlayn-buyurtmanoma yuboradi.

6. Jismoniy shaxslarning onlayn-buyurtmanomasiga bo‘sh turgan davlat ko‘chmas mulk obyekti bo‘yicha quyidagi ma’lumotlar ilova qilinadi:

bo‘sh turgan davlat ko‘chmas mulk obyektining to‘liq manzili;

bo‘sh turgan davlat ko‘chmas mulk obyektining fotosuratlarini va aniq geolokatsiyasi.

Onlayn-buyurtmanomada bo‘sh turgan davlat ko‘chmas mulk obyektining tegishli mahalla va (yoki) obyektning ixtisoslashuvidan kelib chiqib, uni aynan qaysi yo‘nalishlar uchun elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarish bo‘yicha jismoniy shaxslarning taklifi ko‘rsatilishi mumkin.

7. Jismoniy shaxslarning onlayn-buyurtmanomasi axborot tizimi orqali Davaktiv agentligi huzuridagi Davlat mulki obyektlaridan samarali foydalanish markaziga (bundan buyon matnda Markaz deb yuritiladi) avtomatik ravishda kelib tushadi.

\* Ilova «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da e’lon qilingan.

8. Onlayn-buyurtmanoma kelib tushgandan so'ng, Markaz onlayn-buyurtmanomada keltirilgan ko'chmas mulk obyektining joylashgan hududidan kelib chiqib, onlayn-buyurtmanomani o'rganish uchun bir ish kuni ichida axborot tizimi orqali Markazning tegishli hududiy boshqarmasiga yuboradi.

9. Markazning hududiy boshqarmasi onlayn-buyurtmanomada keltirilgan ko'chmas mulkni o'rganishda uning yer uchastkasi ekanligini aniqlagan taqdirda, bir ish kuni ichida onlayn-buyurtmanomani axborot tizimi orqali rad etadi hamda onlayn-buyurtmanoma yuborgan jismoniy shaxsni takliflarini O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 14-fevraldagi 71-son qarori bilan tasdiqlangan Tadbirkorlik va shaharsozlik faoliyatini amalga oshirish uchun yer uchastkalarini mulk huquqi va ijara huquqi asosida elektron onlayn-auksion orqali realizatsiya qilish tartibi to'g'risidagi nizomga muvofiq "YERELEKTRON" avtomatlashtirilgan axborot tizimi (yerelektron.uz) orqali yuborishi haqida yozma ravishda xabardor qiladi.

10. Markazning hududiy boshqarmasi onlayn-buyurtmanomada keltirilgan ko'chmas mulk objekti bino-inshoot ekanligini aniqlagan taqdirda, bir ish kunida ushbu ko'chmas mulk obyektiga tutash yer maydoni mavjudligi hamda ushbu ko'chmas mulk obyektining huquq egasi yuzasidan davlat ko'chmas mulk obyektlari to'g'risidagi "property.davaktiv.uz" axborot tizimidan (bundan buyon matnda "property.davaktiv.uz" axborot tizimi deb yuritiladi) yoki "Elektron hukumat" tizimi idoralararo integratsiyalashuv platformasidan (bundan buyon matnda elektron platforma deb yuritiladi) tegishli ma'lumotlarni oladi.

11. "property.davaktiv.uz" axborot tizimidan yoki elektron platformadan olingan ma'lumotlarga ko'ra onlayn-buyurtmanomada keltirilgan ko'chmas mulk objekti balansda saqlovchilarga tegishli bo'lmagan taqdirda, Markazning hududiy boshqarmasi tomonidan onlayn-buyurtmanoma axborot tizimi orqali bir ish kuni ichida rad etish sababini ko'rsatgan holda rad etiladi va bu to'g'risida murojaatchiga axborot tizimi orqali avtomatik ravishda SMS-xabarnoma yuboriladi.

12. "property.davaktiv.uz" axborot tizimidan yoki elektron platformadan olingan ma'lumotlarga ko'ra onlayn-buyurtmanomada keltirilgan ko'chmas mulk objekti balansda saqlovchilarga tegishli ekanligi aniqlangan taqdirda, Markazning hududiy boshqarmasi xodimlari tomonidan uch ish kuni ichida onlayn-buyurtmanomada keltirilgan ko'chmas mulk objekti joyiga chiqqan holda xatlovdan o'tkaziladi va quyidagilar o'rganiladi:

ko'chmas mulk objekti haqiqatda bo'sh turganligi;

bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektining ijtimoiy soha objekti toifasiga kirishi yoki kirmasligi;

obyektdan kelgusida samarali foydalanish bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Prezidenti, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasini, Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklarining qarori mavjudligi, shuningdek obyektning qonunchilik hujjatlari bilan tasdiqlangan xususiylashtirish dasturlariga, shu jumladan tarmoq jadvaliga kiritilganligi;

bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk objekti xususiylashtirilmaydigan obyektlar toifasiga kirishi yoki kirmasligi;

bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektiga nisbatan taqiq (cheklov)ning mavjud yoki mavjud emasligi.

13. Markazning hududiy boshqarmasi xodimlari o'rganish jarayonida balansda saqlovchidan davlat ko'chmas mulk objekti to'g'risidagi ushbu Nizomning 12-bandida nazarda tutilgan ma'lumotlarni so'rab olishi mumkin. Bunda, balansda saqlovchi davlat ko'chmas mulk objekti to'g'risidagi ma'lumotlarni bir ish kuni ichida taqdim etishi shart.

14. O'rganish natijasiga ko'ra, onlayn-buyurtmanomada keltirilgan davlat ko'chmas mulk obyektini elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarish quyidagi hollarda rad etiladi:

davlat ko'chmas mulk objekti bo'sh turgan bo'lmasa;

davlat ko'chmas mulk obyektning umumiy maydoni 2 000 metr kvadrat va undan ortiq bo'lsa;

davlat ko'chmas mulk objekti ijtimoiy soha objekti bo'lsa;

davlat ko'chmas mulk objekti xususiylashtirish dasturlariga va xususiylashtirilmaydigan obyektlar toifasiga kirgan bo'lsa;

bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektiga nisbatan taqiq (cheklov) mavjud bo'lsa.

15. Onlayn-buyurtmanomada keltirilgan bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektini o'rganish jarayonida balansda saqlovchi yuqori turuvchi tashkilot bilan kelishilgan holda obyektidan kelgusida foydalanishga ehtiyoji mavjudligi, shu jumladan kamida 5 yillik demografik o'sish darajasini inobatga olgan holda aniq hisob-kitoblarga asoslangan takliflarini Markazning hududiy boshqarmasiga taqdim etishi mumkin.

Bunda, Markazning hududiy boshqarmasi uch ish kuni ichida taqdim etilgan takliflarni qabul qiladi va bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektini ijaraga berish uchun elektron onlayn-auksion savdolariga chiqaradi.

16. Onlayn-buyurtmanomada keltirilgan davlat ko'chmas mulk obyektini ijaraga berish zarurligi to'g'risida xulosa chiqarish uchun quyidagilar asos bo'ladi:

davlat ko'chmas mulk obyektidan kelgusida samarali foydalanish bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Prezidenti, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi, Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklarining qarori mavjudligi, shuningdek obyektning qonunchilik hujjatlari bilan tasdiqlangan xususiylashtirish dasturlariga, shu jumladan tarmoq jadvaliga kiritilganligi;

davlat ko'chmas mulk obyektining bo'sh turgan qismini alohida ajratgan holda xususiylashtirish imkoniyati mavjud bo'lmasa;

balansda saqlovchi tomonidan davlat ko'chmas mulk obyektidan kelgusida foydalanishga ehtiyoj mavjudligi, shu jumladan kamida 5 yillik demografik o'sish darajasini inobatga olgan holda aniq hisob-kitoblarga asoslangan takliflar taqdim etilganligi.

Mazkur bandning ikkinchi — to'rtinchi xatboshlarida belgilangan davlat ko'chmas mulk obyektini ijaraga berish to'g'risida xulosa chiqarish uchun asos bo'ladigan holatlar mavjud bo'lmagan taqdirda, obyektini xususiylashtirish uchun

elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarish masalasini ko'rib chiqish to'g'risida xulosa qilinadi.

17. O'rganish natijasiga ko'ra, Markazning hududiy boshqarmasi xodimlari tomonidan dalolatnoma rasmiylashtiriladi.

Dalolatnomada onlayn-buyurtmanomada keltirilgan davlat ko'chmas mulk obyektini elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarishni rad etish yoki ijaraga berish uchun elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarish yoxud xususiylashtirish uchun elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarish masalasini ko'rib chiqish to'g'risida xulosa nazarda tutiladi.

18. Jismoniy shaxslarning onlayn-buyurtmanomasini o'rganish natijasi bo'yicha dalolatnoma rasmiylashtirilganidan so'ng Markazning hududiy boshqarmasi bir ish kuni ichida axborot tizimiga o'rganish natijasi bo'yicha dalolatnomani yuklaydi va bu haqda jismoniy shaxslarga axborot tizimi orqali avtomatik ravishda SMS-xabarnoma yuboriladi.

Bunda, rad etilmagan onlayn-buyurtmanoma bo'yicha rasmiylashtirilgan dalolatnomada keltirilgan xulosadan kelib chiqib, Markazning hududiy boshqarmasi bir ish kuni ichida axborot tizimi orqali onlayn-buyurtmanomada keltirilgan ko'chmas mulk obyektini ijaraga berish yoki xususiylashtirish uchun elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarish jarayoniga o'tkazadi hamda bu haqda balansda saqlovchiga xabar beradi.

### **3-bob. Bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektini xususiylashtirish uchun elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarish**

19. Axborot tizimi orqali ijaraga berish yoki xususiylashtirish uchun elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarish jarayoniga o'tkazilgan onlayn-buyurtmanoma Davaktiv agentligining hududiy boshqarmasiga avtomatik ravishda kelib tushadi va u quyidagilarni amalga oshiradi:

bir ish kuni ichida onlayn-buyurtmanomani axborot tizimi orqali bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektini elektron onlayn-auksion orqali ijaraga berish uchun Markazning hududiy boshqarmasiga qaytariladi;

bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektini xususiylashtirish jarayonini boshlash uchun O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2014-yil 6-oktabrdagi 279-son qarori bilan tasdiqlangan Davlat ko'chmas mulk obyektlarini sotish tartibi to'g'risidagi nizomda belgilangan tartibga muvofiq o'n ish kun ichida davlat ko'chmas mulk obyektini xususiylashtirish uchun elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarilishini ta'minlaydi.

Bunda, besh ish kuni ichida bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektini xususiylashtirishga tayyorlash bo'yicha komissiya tuziladi, ushbu komissiya tomonidan obyekt xatlov o'tkazilib, dalolatnomalar rasmiylashtiriladi hamda tegishli hujjatlar Davaktiv agentligining hududiy boshqarmasiga taqdim etiladi.

20. Davaktiv agentligining hududiy boshqarmasi uch ish kuni ichida baholovchi tashkilotni jalb qilgan holda bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektining baholanishini tashkil etadi.

Bunda, baholash hisobotlari haqqoniyligini majburiy ekspertizadan o'tkazish talab etilmaydi.

21. Davaktiv agentligining hududiy boshqarmasi baholash natijasiga ko'ra ikki ish kuni ichida bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektni savdoga chiqarish to'g'risida tegishli buyruq qabul qiladi va uni to'g'ridan-to'g'ri elektron onlayn-auksionga chiqaradi.

22. Jismoniy shaxslarga, ularning onlayn-buyurtmanomalari bo'yicha xususiylashtirish uchun elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarilgan bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektlarining lot raqamlari to'g'risida axborot tizimi orqali avtomatik ravishda SMS-xabarnoma yuboriladi.

#### **4-bob. Bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektni ijaraga berish uchun elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarish**

23. Ijaraga berish uchun elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarish jarayoniga o'tkazilgan onlayn-buyurtmanomalar bo'yicha Markazning hududiy boshqarmasi besh ish kuni ichida bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektning foydalanish sohasi, boshlang'ich narxi hamda ijaraga berish muddatini belgilangan holda elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarilishini ta'minlaydi.

24. Bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektni ijaraga berish O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 14-dekabrda 660-son qarori bilan tasdiqlangan Davlat mulkini ijaraga berish tartibi to'g'risidagi nizomda belgilangan tartibda amalga oshiriladi.

25. Jismoniy shaxslarga ularning onlayn-buyurtmanomalari bo'yicha ijaraga berish uchun elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarilgan bo'sh turgan davlat ko'chmas mulk obyektlarining lot raqamlari to'g'risida axborot tizimi orqali avtomatik ravishda SMS-xabarnoma yuboriladi.

#### **5-bob. Yakuniy qoida**

26. Mazkur Nizom talablarining buzilishida aybdor bo'lgan shaxslar qonunchilik hujjatlariga muvofiq javobgar bo'ladilar.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**99** **Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш учун йиғимлар миқдорини белгилаш, уларни тўлаш ва тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 19 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3388-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги ПҚ–3832-сон «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг 2022 йил 30 августдаги 2-сон, Молия вазирлигининг 2022 йил 30 августдаги 45-сон, Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 18 августдаги 2022-26-сон қарори (рўйхат рақами 3388, 2022 йил 28 сентябрь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.09.2022 й., 10/22/3388/0864-сон) билан тасдиқланган Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш учун йиғимлар миқдорини белгилаш, уларни тўлаш ва тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди «б» кичик бандида:

иккинчи хатбошидаги «400» рақами «740» рақами билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «20» рақами «185» рақами билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор эълон қилган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

**Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг директори**

**Д. ЛИ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 5 март,  
17-сон

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 19 мартда эълон қилинган.

**Иқтисодиёт ва молия вазири**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 1 март,  
113-сон

**Солиқ қўмитаси раиси**

**Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 5 март,  
2024-04-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУҒИ

**100** «Наслли маҳсулотни (материални) сертификатлаштиришдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 19 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2599-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тuzилиши тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2014 йил 11 июндаги 148-сон «Наслли маҳсулотни (материални) сертификатлаштиришдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2599, 2014 йил 2 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 27-сон, 333-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**И. АБДУРАҲМОНОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 21 февраль,  
3-сон

*Келишилди:*

**Ўзбекистон техник жиҳатдан  
тартибга солиш агентлиги  
бош директори ўринбосари**

**А. АБДУКАЮМОВ**

*2024 йил 20 февраль*

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 20 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
қишлоқ хўжалиги вазирининг 2024 йил  
21 февралдаги 3-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Наслли маҳсулотни (материални) сертификатлаштиришдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқ муқаддимаси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Ўзбекистон Республикасининг «Наслчилик тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**».
2. Низомда:
  - 1) низом муқаддимаси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Мазкур Низом наслли маҳсулотни (материални) сертификатлаштиришдан ўтказиш тартибини белгилайди.»;
  - 2) 3-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«3. Наслли маҳсулотни (материални) сертификатлаштириш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг ҳудудий бошқарма (бўлимлари) (бундан буён матнда ҳудудий бошқарма (бўлим) деб юритилади) томонидан Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигида аккредитация қилинган селекция марказлари, чорвачилик назорат-синов станциялари, ипподромлар, сут, жун сифатининг селекция назорати лабораториялари ва иммуногенетик экспертиза лабораториялари иштироқида амалга оширилади.»;
  - 3) 4-банддаги «инспекцияга» деган сўз «бошқарма (бўлим)га» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
  - 4) 6-банддаги «инспекцияга» деган сўз «бошқарма (бўлим)га» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
  - 5) 7-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«7. Наслли маҳсулотни (материални) сертификатлаштиришдан ўтказиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш якунлари бўйича ҳудудий бошқарма (бўлим) томонидан Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигида аккредитация қилинган селекция марказлари, чорвачилик назорат-синов станциялари, ипподромлар, сут, жун сифатининг селекция назорати лабораториялари ва иммуногенетик экспертиза лабораториялари иштироқида наслли маҳсулотга (материалга) сертификат бериш ёки сертификат беришни рад этиш ҳақида хулоса тузилади.
- Ушбу хулосага асосан, ҳудудий бошқарма (бўлим) томонидан мазкур Низомнинг 2 — 15-иловаларига мувофиқ шаклларда тегишли сертификат расмийлаштирилади.»;
- 6) 11-банднинг учинчи хатбошисидagi «инспекция» деган сўз «бошқарма (бўлим)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 7) 13-банддаги «инспекция» деган сўз «бошқарма (бўлим)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 14-банддаги «инспекциялар» деган сўз «бошқарма (бўлим)лар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 15-банддаги «инспекция» деган сўз «бошқарма (бўлим)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) 17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Ҳудудий бошқарма (бўлим)лар томонидан ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 3-санасигача Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасига Насли маҳсулотларга (материалларга) берилган сертификатларни рўйхатга олиш китобидан кўчирма тақдим этилади.»;

11) 19-банддаги «инспекция» деган сўз «бошқарма (бўлим)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) 21-банддаги «Ҳудудий инспекциялар ва «Ўзстандарт» агентлигида» деган сўзлар «Ҳудудий бошқарма (бўлим)лар ва Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 2-илованинг матнидаги «чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекцияси» деган сўзлар «ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (бўлими)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) 3-илованинг матнидаги «чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекцияси» деган сўзлар «ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (бўлими)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) 4-илованинг матнидаги «чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекцияси» деган сўзлар «ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (бўлими)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) 5-илованинг матнидаги «чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекцияси» деган сўзлар «ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (бўлими)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) 6-илованинг матнидаги «чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекцияси» деган сўзлар «ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (бўлими)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) 7-илованинг матнидаги «чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекцияси» деган сўзлар «ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (бўлими)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) 8-илованинг матнидаги «чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекцияси» деган сўзлар «ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (бўлими)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) 9-илованинг матнидаги «чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекцияси» деган сўзлар «ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (бўлими)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) 10-илованинг матнидаги «чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекцияси» деган сўзлар «ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (бўлими)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) 11-илованинг матнидаги «чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекцияси» деган сўзлар «ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (бўлими)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

23) 12-илованинг матнидаги «чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекцияси» деган сўзлар «ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (бўлими)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) 13-илованинг матнидаги «чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекцияси» деган сўзлар «ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (бўлими)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

25) 14-илованинг матнидаги «чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекцияси» деган сўзлар «ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (бўлими)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

26) 15-илованинг матнидаги «чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекцияси» деган сўзлар «ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (бўлими)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

27) 17-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ тахрирда баён этилсин;

28) 19-илованинг матнидаги «Чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекцияси» деган сўзлар «ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси (бўлими)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

«Наслли маҳсулотни (материални)  
сертификатлаштиришдан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги  
буйрукка киритилаётган ўзгартиришларга  
ИЛОВА

«Наслли маҳсулотни (материални)  
сертификатлаштиришдан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
17-ИЛОВА

### Туман ва шаҳарларнинг КОДЛАРИ

Туман ва шаҳарлар номи	Коди
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>	
Амударё тумани	01
Беруний тумани	02
Қонликўл тумани	03
Қораўзак тумани	04
Кегейли тумани	05
Қўнғирот тумани	06
Мўйноқ тумани	07
Нукус тумани	08
Тахтақўпир тумани	09
Тўрткўл тумани	10
Хўжайли тумани	11

Чимбой тумани	12
Шуманай тумани	13
Элликқалъа тумани	14
Нукус шаҳри	15
Бўзатов тумани	16
Тахиатош тумани	17
<b>Андижон вилояти</b>	
Андижон тумани	01
Асака тумани	02
Балиқчи тумани	03
Бўстон тумани	04
Булоқбоши тумани	05
Жалақудуқ тумани	06
Избоскан тумани	07
Кўрғонтепа тумани	08
Марҳамат тумани	09
Олтинкўл тумани	10
Пахтаобод тумани	11
Улуғнор тумани	12
Хўжаобод тумани	13
Шаҳрихон тумани	14
Хонобод шаҳри	15
Андижон шаҳри	16
<b>Бухоро вилояти</b>	
Бухоро тумани	01
Вобкент тумани	02
Ғиждувон тумани	03
Жондор тумани	04
Когон тумани	05
Қоравулбозар тумани	06
Қоракўл тумани	07
Олот тумани	08
Пешку тумани	09
Ромитан тумани	10
Шофиркон тумани	11
Когон шаҳри	12
Бухоро шаҳри	13
<b>Жиззах вилояти</b>	
Арнасой тумани	01
Бахмал тумани	02
Ғаллаорол тумани	03
Дўстлик тумани	04
Зарбдор тумани	05

Зафаробод тумани	06
Зомин тумани	07
Мирзачўл тумани	08
Пахтакор тумани	09
Фориш тумани	10
Янгиобод тумани	11
Жиззах шаҳри	12
Шароф Рашидов тумани	13
<b>Қашқадарё вилояти</b>	
Ғузор тумани	01
Дехқонобод тумани	02
Қамаши тумани	03
Қарши тумани	04
Косон тумани	05
Касби тумани	06
Китоб тумани	07
Миришкор тумани	08
Муборак тумани	09
Нишон тумани	10
Чирокчи тумани	11
Шаҳрисабз тумани	12
Яккабоғ тумани	13
Қарши шаҳри	14
Кўкдала тумани	15
Шаҳрисабз шаҳри	16
<b>Навоий вилояти</b>	
Кармана тумани	01
Конимех тумани	02
Қизилтепа тумани	03
Навбаҳор тумани	04
Нурота тумани	05
Томди тумани	06
Учқудуқ тумани	07
Хатирчи тумани	08
Зарафшон шаҳри	09
Навоий шаҳри	10
Ғозғон шаҳри	11
<b>Наманган вилояти</b>	
Косонсой тумани	01
Мингбулоқ тумани	02
Наманган тумани	03
Норин тумани	04
Поп тумани	05

Тўрақўрғон тумани	06
Уйчи тумани	07
Учқўрғон тумани	08
Чортоқ тумани	09
Чуст тумани	10
Янгиқўрғон тумани	11
Наманган шаҳри	12
Давлатобод тумани	13
Янги Наманган тумани	14
<b>Самарқанд вилояти</b>	
Булунғур тумани	01
Жомбой тумани	02
Иштихон тумани	03
Каттақўрғон тумани	04
Нарпай тумани	05
Нуробод тумани	06
Оқдарё тумани	07
Пастдарғом тумани	08
Пахтачи тумани	09
Пайариқ тумани	10
Самарқанд тумани	11
Тойлоқ тумани	12
Ургут тумани	13
Кўшработ тумани	14
Каттақўрғон шаҳри	15
Самарқанд шаҳри	16
<b>Сурхондарё вилояти</b>	
Олтинсой тумани	01
Ангор тумани	02
Бойсун тумани	03
Денов тумани	04
Жарқўрғон тумани	05
Қизириқ тумани	06
Қумқўрғон тумани	07
Музробот тумани	08
Сариосиё тумани	09
Термиз тумани	10
Узун тумани	11
Шеробод тумани	12
Шўрчи тумани	13
Термиз шаҳри	14
Бандихон тумани	15

<b>Сирдарё вилояти</b>	
Боёвут тумани	01
Оқолтин тумани	02
Гулистон тумани	03
Мирзаобод тумани	04
Сайхунобод тумани	05
Сардоба тумани	06
Сирдарё тумани	07
Ховос тумани	08
Янгиер шаҳри	09
Ширин шаҳри	10
Гулистон шаҳри	11
<b>Тошкент вилояти</b>	
Оққўрғон тумани	01
Оҳангарон тумани	02
Бекобод тумани	03
Бўка тумани	04
Бўстонлиқ тумани	05
Зангиота тумани	06
Қибрай тумани	07
Қуйичирчиқ тумани	08
Паркент тумани	09
Пскент тумани	10
Ўртачирчиқ тумани	11
Чиноз тумани	12
Юқоричирчиқ тумани	13
Янгийўл тумани	14
Ангрен шаҳри	15
Бекобод шаҳри	16
Чирчиқ шаҳри	17
Олмалиқ шаҳри	18
Тошкент шаҳри	19
Тошкент тумани	20
Нурафшон шаҳри	21
Янгийўл шаҳри	22
Оҳангарон шаҳри	23
<b>Фарғона вилояти</b>	
Олтиариқ тумани	01
Қўштепа тумани	02
Боғдод тумани	03
Бешариқ тумани	04
Бувайда тумани	05
Данғара тумани	06

Қува тумани	07
Риштон тумани	08
Сўх тумани	09
Тошлоқ тумани	10
Ўзбекистон тумани	11
Учкўприк тумани	12
Фарғона тумани	13
Фурқат тумани	14
Ёзёвон тумани	15
Марғилон шаҳри	16
Қувасой шаҳри	17
Қўқон шаҳри	18
Фарғона шаҳри	19
<b>Хоразм вилояти</b>	
Боғот тумани	01
Гурлан тумани	02
Қўшкўпир тумани	03
Урганч тумани	04
Хазорасп тумани	05
Хонқа тумани	06
Хива тумани	07
Шовот тумани	08
Янгиариқ тумани	09
Янгибозор тумани	10
Урганч шаҳри	11
Тупроққалъа тумани	12
Хива шаҳри	13

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**101** Эпизоотик вазиятни ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш мезонлари ва юбориш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
19 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3198-2*

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 17 январдаги ўРҚ–898-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига республика ижро этувчи ҳокимият органларининг номларини мувофиқлаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон «Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 24 октябрдаги 12-сон қарори (рўйхат рақами 3198, 2019 йил 29 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.11.2019 й., 10/19/3198/4095-сон) билан тасдиқланган Эпизоотик вазиятни ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш мезонлари ва юбориш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

**Вазир**

**И. АБДУРАҲМОНОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 14 март,  
6-сон

*Келишилди:*

*Ўзбекистон Савдо-саноат  
палатаси раиси*  
2024 йил 7 март

**Д. ВАХАБОВ**

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 20 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
қишлоқ хўжалиги вазирининг 2024 йил  
14 мартдаги 6-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Эпизоотик вазиятни ўрганиш мақсадида мутахассисларни  
хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш мезонлари  
ва юбориш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг олтинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**мутахассис** — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси (бундан буён матнда Қўмита деб юритилади) ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги давлат ветеринария инспекторлари ёки Қўмита томонидан жалб этилган мазкур соҳа экспертлари.»

2. Илованинг матнидаги «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**102** Хориждан келтирилган ғўза уруғликларининг генетик тозалиги бўйича молекуляр-генетик таҳлиллар ўтказиш юзасидан маҳаллий ваколатли лаборатория хулосасини олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
19 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3504*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 15 декабрдаги ПҚ–391-сон «Пахтачиликда уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳамда пахта ҳосилдорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Хориждан келтирилган ғўза уруғликларининг генетик тозалиги бўйича молекуляр-генетик таҳлиллар ўтказиш юзасидан маҳаллий ваколатли лаборатория хулосасини олиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жихатдан тартибга солиш агентлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**И. АБДУРАҲМОНОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 7 март,  
5-сон

*Келишилди:*

*Фанлар академияси президенти*

**Б. ЮЛДАШЕВ**

*2024 йил 21 февраль*

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 20 мартда эълон қилинган.

*Ўзбекистон техник жиҳатдан  
тартибга солиш агентлигининг  
директори*

*А. АБДУКАЮМОВ*

*2024 йил 24 февраль*

*Тадбиркорлик субъектларининг  
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини  
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

*Д. КАСИМОВ*

*2024 йил 20 февраль*

*Ўзбекистон фермер, деҳқон  
хўжаликлари ва томорқа ер эгалари  
кенгаши раиси*

*А. ХАИТОВ*

*2024 йил 18 февраль*

*Ўзбекистон Савдо-саноат  
палатаси раиси*

*Д. ВАХАБОВ*

*2024 йил 23 февраль*

Ўзбекистон Республикаси  
қишлоқ хўжалиги вазирининг 2024 йил  
7 мартдаги 5-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Хориждан келтирилган гўза уруғликларининг генетик  
тозалиги бўйича молекуляр-генетик таҳлиллар ўтказиш  
юзасидан маҳаллий ваколатли лаборатория хулосасини  
олиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом хориждан келтирилган гўза уруғликларининг (бундан буён матнда гўза уруғликлари деб юритилади) генетик тозалиги бўйича молекуляр-генетик таҳлиллар ўтказиш юзасидан маҳаллий ваколатли лаборатория (бундан буён матнда ваколатли лаборатория деб юритилади) хулосасини олиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:  
**ариза берувчи** — хориждан гўза уруғликларини олиб келувчи жисмоний ва юридик шахслар;

**генетик тозалик** — гўза уруғликларининг генетик жиҳатдан тозалигини тавсифловчи кўрсаткичлар мажмуи;

**полимераза занжир реакцияси** (бундан буён матнда ПЗР деб юритилади) — гўза уруғликлари дезоксирибонуклеин кислота (бундан буён матнда ДНК деб юритилади) молекуласининг маълум бир қисмини каррали кўпайтирадиган усул;

**молекуляр-генетик таҳлил** — гўза уруғликларининг ирсий хусусиятларини ўрганиш усуллари тўплами;

**электрофорез** — ПЗР реакция маҳсулотларининг молекуляр оғирликлари бўйича агароза гелида ажралиши;

**генотиплаш** — ПЗР реакция маҳсулотларининг молекуляр оғирликлари бўйича гуруҳлаштириш;

**статистик таҳлил** — молекуляр-генетик таҳлил натижасида олинган маълумотларни статистик таҳлил этиб, гўза уруғликлари намуналарида наводорликнинг (генетик тозаликнинг) фоизини аниқлаш;

**ваколатли лаборатория** — гўза уруғликларининг генетик тозалиги бўйича молекуляр-генетик таҳлилларни ўтказувчи Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси (бундан буён матнда Академия деб юритилади) Геномика ва биоинформатика маркази.

2. Гўза уруғликларининг генетик тозалиги ваколатли лабораторияда молекуляр-генетик таҳлиллар ўтказиш орқали аниқланади.

**2-боб. Ваколатли лабораторияда гўза уруғликларини ва ушбу уруғликка оид ҳужжатларни қабул қилиш**

3. Ариза берувчи томонидан ваколатли лабораторияга молекуляр-генетик таҳлил ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

гўза уруғликларининг генетик тозалиги бўйича молекуляр-генетик таҳлилларни ўтказиш учун мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза;

хорижий давлатдан гўза уруғликларига берилган мувофиқлик сертификати нусхаси;

фитосанитария сертификати;

карантин рухсатномаси;

гўза уруғлигининг ёрлиғидан намуна;

гўза уруғлигининг товар-транспорт юк хати, инвойс ёки ҳисоб-фактура.

4. Ваколатли лаборатория томонидан ариза берувчидан мазкур Низомнинг 3-бандида кўрсатилмаган ҳужжат ва маълумотларни талаб қилиш тақиқланади.

5. Ваколатли лаборатория томонидан мазкур Низомнинг 3-бандида назарда тутилган ҳужжат ва маълумотлар улар тақдим этилган кундан эътиборан бир иш куни ичида ўрганиб чиқилади.

6. Мазкур Низомнинг 3-бандида назарда тутилган ҳужжат ва маълумотлар тўлиқ бўлмаган ёхуд нотўғри тақдим этилган тақдирда, ваколатли лаборатория томонидан ариза берувчига камчиликларни бартараф этиб, қайта мурожаат қилиш мумкинлиги тўғрисида ушбу ариза келиб тушган кундан эътиборан бир иш куни ичида ёзма ёки электрон шаклда маълум қилинади.

7. Ариза берувчи томонидан тақдим этилган аризада мазкур Низомнинг 6-бандида кўрсатилган камчиликлар аниқланмаган тақдирда ариза берувчи ҳамда ваколатли лаборатория ўртасида гўза уруғликларининг генетик тозалиги бўйича молекуляр-генетик таҳлилларни ўтказиш тўғрисида шартнома тузилади.

8. Ваколатли лаборатория томонидан гўза уруғликларининг генетик тозалиги бўйича молекуляр-генетик таҳлиллар ўтказиш учун тўлов миқдори ушбу лаборатория сарфлаган харажатлар доирасида Академия томонидан ваколатли давлат органлари билан келишилган ҳолда белгиланади.

9. Ариза берувчи ҳамда ваколатли лаборатория ўртасида шартнома тузилгандан сўнг молекуляр-генетик таҳлил ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) давлат инспектори томонидан гўза уруғликларидан намуналар олинади.

10. Гўза уруғликларининг генетик тозалиги бўйича молекуляр-генетик таҳлил ўтказиш учун ушбу гўза уруғликларидан намуналар олиш O'z DSt 1080:2005га асосан амалга оширилади.

11. Агентликнинг давлат инспектори томонидан молекуляр-генетик таҳлил ўтказиш учун гўза уруғликларидан намуналар олиш натижалари бўйича далолатнома икки нусхада расмийлаштирилади ва уларнинг бир нусхаси ариза берувчига берилади.

12. Агентликнинг давлат инспектори молекуляр-генетик таҳлил ўтказиш учун ғўза уруғликларидан намуналар олган кундан эътиборан икки иш куни ичида ушбу намуналарни ваколатли лабораторияга тақдим этади.

**3-боб. Ваколатли лаборатория томонидан ғўза уруғликларининг генетик тозалиги бўйича молекуляр-генетик таҳлил ўтказиш**

13. Ваколатли лаборатория томонидан ғўза уруғликларидан намуналар қабул қилинган кундан эътиборан ўн иш куни ичида ушбу намуналарнинг генетик тозалиги бўйича молекуляр-генетик таҳлил ўтказилади.

14. Ваколатли лаборатория тақдим этилган ғўза уруғликларидан намуналарни лаборатория журналида қайд этади.

15. Ваколатли лаборатория томонидан ғўза уруғликларидан намуналар молекуляр-генетик таҳлилдан ўтказиш учун ўнта кичик гуруҳларга бўлинади ва ҳар бир гуруҳдан биттадан уруғ танлаб олинади.

16. Ваколатли лаборатория томонидан ғўза уруғликларининг генетик тозалиги бўйича молекуляр-генетик таҳлил қўйидаги усуллар орқали амалга оширилади:

- а) ғўза уруғликларининг ДНКсини ажратиш усули;
- б) ПЗР усули;
- в) электрофорез усули;
- г) генотиплаш усули;
- д) статистик таҳлил усули.

17. Ваколатли лаборатория томонидан ғўза уруғликларининг генетик тозалиги бўйича молекуляр-генетик таҳлил натижаси бўйича мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда хулоса расмийлаштирилади.

Бунда, ушбу хулоса ваколатли лаборатория раҳбари ва масъул ходими томонидан тасдиқланади.

18. Ғўза уруғликларининг генетик тозалиги бўйича молекуляр-генетик таҳлил натижаси бўйича хулосанинг амал қилиш муддати у тақдим этилган кундан бошлаб бир йилни ташкил этади.

19. Ариза берувчининг апелляция шикоятларини кўриб чиқиш учун Академия раҳбарининг буйруғи билан Академия тизимининг камида беш нафар мутахассисларидан иборат таркибда Апелляция комиссияси ташкил этилади.

Ғўза уруғликларининг генетик тозалиги бўйича молекуляр-генетик таҳлилни ўтказишга масъул бўлган шахсларнинг Апелляция комиссияси таркибига киритилишига йўл қўйилмайди.

20. Ғўза уруғликларининг генетик тозалиги бўйича молекуляр-генетик таҳлил натижаси бўйича хулосадан норози бўлган ариза берувчи молекуляр-генетик таҳлил натижаси эълон қилинган кундан эътиборан бир ой ичида Апелляция комиссиясига ёзма ёки электрон шаклда апелляция шикояти бериши мумкин.

Бунда, Апелляция комиссияси апелляция шикояти билан мурожаат қилган ариза берувчини шикоят кўриб чиқилишидан икки кун олдин уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида огоҳлантиради.

21. Апелляция комиссияси апелляция шикоятини, у келиб тушган кундан бошлаб уч кун муддат ичида кўриб чиқади. Бунда, апелляция шикояти билан мурожаат қилган ариза берувчи ва ваколатли лаборатория мазкур шикоятни кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

22. Апелляция комиссияси унда аъзоларнинг камида учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади. Апелляция комиссиясининг қарори оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва мажлисда иштирок этган барча аъзолар томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

23. Апелляция комиссияси ариза берувчининг апелляция шикоятини кўриб чиқиш жараёнида ваколатли лаборатория томонидан ўтказилган молекуляр-генетик таҳлил натижаларини текширади.

24. Шикоятни кўриб чиқиш натижалари бўйича Апелляция комиссияси томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

ғўза уруғликларининг генетик тозалиги бўйича молекуляр-генетик таҳлил натижаси бўйича хулосани ўзгаришсиз қолдириш;

ғўза уруғликларининг генетик тозалиги бўйича молекуляр-генетик таҳлил натижаси бўйича хулосага ўзгартириш киритиш.

25. Апелляция комиссияси апелляция шикояти билан мурожаат қилган ариза берувчига ўз қарорини у қабул қилинган куннинг ўзида маълум қилиши керак.

26. Апелляция комиссияси қарори устидан ариза берувчи юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиши мумкин.

#### **4-боб. Яқуний қоида**

27. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Хориждан келтирилган гўза уруғликларининг  
генетик тозалиги бўйича молекуляр-генетик  
таҳлиллар ўтказиш юзасидан маҳаллий  
ваколатли лаборатория хулосасини олиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

Ваколатли лабораторияга

\_\_\_\_\_ (юридик шахснинг тўлиқ номи, жисмоний шахснинг Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ дан

### Ариза

Сиздан, хориждан келтирилган гўза уруғликларининг генетик тозалиги бўйича молекуляр-генетик таҳлиллар ўтказиб, ушбу уруғликларнинг генетик тозалигини аниқлаб беришингизни сўрайман.

Юридик шахс ёки жисмоний шахс тўғрисидаги маълумот:

1. Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги, жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати тўғрисидаги маълумотлар

\_\_\_\_\_ (юридик шахсни рўйхатдан ўтказилган рақами, паспорт ёки ID-картанинг қачон, ким томонидан берилгани)

2. Юридик манзил: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (индекс, вилоят, туман, шаҳар, кўча, уй рақами, телефон, факс)

3. Тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати:

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Хориждан келтирилган гўза уруғлик намуналари \_\_\_\_\_ дона,  
ўлчами \_\_\_\_\_.

Ариза берувчининг \_\_\_\_\_

(имзо, Ф.И.О.)

«\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

(сана, ой, йил)

Хориждан келтирилган гўза уруғликларининг  
генетик тозалиги бўйича молекуляр-генетик  
таҳлиллар ўтказиш юзасидан маҳаллий  
ваколатли лаборатория хулосасини олиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Гўза навларининг уруғликлари генетик тозалигини аниқлаш  
бўйича ўтказилган молекуляр-генетик таҳлил  
ХУЛОСАСИ**

№ \_\_\_\_\_ «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йилда \_\_\_\_\_

(ариза берувчининг Ф.И.О., яшаш манзили)

\_\_\_\_\_ томонидан тақдим этилган  
№ \_\_\_\_\_-сонли аризада \_\_\_\_\_

(Хориждан келтирилган гўза уруғлик намуналари номи)

хориждан келтирилган гўза уруғликларининг генетик тозалигини аниқлаш  
бўйича молекуляр-генетик таҳлил қилишга мурожаат қилинган.

1. Молекуляр-генетик таҳлил ўтказилган жой:

\_\_\_\_\_

(молекуляр-генетик таҳлил ўтказган ваколатли лаборатория номи, юридик манзили)

2. Молекуляр-генетик таҳлил қўйидаги усулларга мувофиқ ўтказилди:

\_\_\_\_\_

(Усулларнинг номи ва белгиланиши)

3. Хориждан келтирилган гўза уруғлик намуналарида \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ билан

(ДНК маркерлар тури)

генетик тозаликнинг (навдорликнинг) молекуляр-генетик таҳлили ўтказилди.

4. Молекуляр-генетик таҳлил натижалари:

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Кичик илмий ходим \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.) \_\_\_\_\_ (имзо)

Лаборатория мудири \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.) \_\_\_\_\_ (имзо)

Раҳбар \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.) \_\_\_\_\_ (имзо)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**103** **Товарнинг келиб чиқиш мамлакати тўғрисидаги дастлаб-  
ки қарорни қабул қилиш тартиби ҳақидаги низомни тас-  
диқлаш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
19 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3505*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, Ўзбекистон Республи-  
каси Президентининг 2023 йил 5 июндаги ПҚ–181-сон «Ўзбекистон Респуб-  
ликсининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини жадаллашти-  
ришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон  
Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 декабрдаги 994-сон «То-  
варларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисида-  
ги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Товарнинг келиб чиқиш мамлакати тўғрисидаги дастлабки қарорни  
қабул қилиш тартиби ҳақидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Рес-  
публикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқла-  
ри ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишил-  
ган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан уч ой ўтгач кучга ки-  
ради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 19 февраль,  
109-сон

*Келишилди:*

**Ўзбекистон Савдо-саноат  
палатаси раиси**

**Д. ВАХОБОВ**

*2024 йил 9 февраль*

**Тадбиркорлик субъектларининг  
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини  
ҳимоя қилиш бўйича вакили**

**Д. КАСИМОВ**

*2024 йил 10 февраль*

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 20 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил  
19 февралдаги 109-сон буйруғига  
ИЛОВА

## Товарнинг келиб чиқиш мамлакати тўғрисидаги дастлабки қарорни қабул қилиш тартиби ҳақида НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси (бундан буён матнда божхона чегараси деб юритилади) орқали олиб ўтилаётган ва Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида (бундан буён матнда божхона ҳудуди деб юритилади) қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўлган товарнинг келиб чиқиш мамлакати тўғрисидаги дастлабки қарорни қабул қилиш тартибини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**дастлабки қарор** — ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари томонидан божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган ва божхона ҳудудида қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўлган товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини тасдиқловчи божхона органи томонидан қабул қилинадиган ҳужжат;

**манфаатдор шахс** — божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларнинг эгаси бўлган ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси ёки товарларга нисбатан божхона тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ваколатларга эга бўлган ёхуд товарларнинг эгаси номидан тегишли шартнома ёки ишончнома асосида иш кўрувчи шахс;

**божхона органи** — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг (бундан буён матнда Божхона қўмитаси деб юритилади) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси;

**божхона йиғими** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ставкаларда дастлабки қарорни қабул қилганлик учун ундириладиган йиғим.

2. Дастлабки қарорни олиш манфаатдор шахс учун ихтиёрий ҳисобланади.

Бунда, божхона органи томонидан божхона расмийлаштирувини амалга оширишда манфаатдор шахсдан дастлабки қарорни тақдим этишни талаб қилишга, шунингдек дастлабки қарорнинг мавжуд эмаслигини асос қилиб, божхона расмийлаштирувини амалга оширишни рад этишга йўл қўйилмайди.

3. Манфаатдор шахс томонидан дастлабки қарорни олиш юзасидан божхона органларига эркин муомалага чиқариш, экспорт ва реэкспорт божхона режимларига божхона юк декларацияси тақдим этилишидан олдин, бошқа божхона режимларида эса исталган вақтда мурожаат қилинади.

4. Дастлабки қарор ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда қабул қилинади ва манфаатдор шахсга тақдим этилади.

Манфаатдор шахс ўз хоҳишига кўра божхона органларидан исталган биттасига мурожаат қилишга ҳақли.

5. Дастлабки қарор божхона органлари учун мажбурий ҳисобланади.

6. Дастлабки қарор божхона органи томонидан қуйидаги ҳолатларда тақдим этилмайди:

олиб кирилатган товарлар транзит режимга жойлаштирилганда;  
товарлар жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжлар учун олиб кирилганда;

олиб кирилатган товарлар божхона тўловларидан озод этилганда.

## **2-боб. Дастлабки қарорни олиш учун мурожаат қилиш**

7. Манфаатдор шахс дастлабки қарорни олиш учун ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза билан божхона органига ёзма ёки Божхона кўмитасининг расмий веб-сайти (бундан буён матнда веб-сайт деб юритилади) орқали электрон тарзда мурожаат қилади.

8. Дастлабки қарорни олиш учун тақдим этилатган аризага қуйидаги маълумотлар ва ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

манфаатдор шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми (номи) ҳамда манзили/юрidik шахснинг номи ва манзили, телефон рақами;

товарнинг тўлиқ номи ва техник-тижорат тавсифлари (маркаси, модели, артикули, модификацияси);

товарнинг келиб чиқиш мамлакати тўғрисида мавжуд бўлган маълумотлар;

товарнинг фотосуратлари, чизмалари ёки паспорти;

товарни ишлаб чиқарувчи ташкилот тўғрисидаги маълумотлар (номи, манзили, расмий веб-сайти, агар мавжуд бўлса) ва ушбу ташкилот томонидан тақдим қилинган товарга тегишли бўлган ҳужжатлар;

товарнинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасига мувофиқ коди;

аризада кўрсатилган товарлар билан бир хил ёки ўхшаш товарларга нисбатан қабул қилинган товарнинг келиб чиқиш мамлакати тўғрисида дастлабки қарорлар ҳақидаги манфаатдор шахсга маълум бўлган фактлар;

товарни ишлаб чиқаришда икки ёки ундан ортиқ мамлакат иштирок этган бўлса, товарни етарли даражада қайта ишлаш мезонларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

товарлар ишлаб чиқарилган давлатдаги экспертиза ташкилотларнинг экспертиза хулосалари ҳамда келиб чиқиш сертификати (агар мавжуд бўлса);

товарлар божхона режимига жойлаштирилган бўлса, божхона декларациясининг рақами.

Манфаатдор шахсдан ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлардан бошқа ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

9. Аризага чет тилидаги ҳужжатлар илова қилинганда, манфаатдор шахс

томонидан ушбу ҳужжатлар белгиланган тартибда давлат тилига таржима қилинган ҳолда тақдим этилади.

10. Ариза ҳамда унга илова қилинадиган ҳужжатлардаги маълумотлар тўғри ва тўлиқ бўлиши лозим. Бунда, маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги учун манфаатдор шахс жавобгар ҳисобланади.

11. Манфаатдор шахс божхона органига ёзма шаклда мурожаат қилганда, божхона органи ходими томонидан манфаатдор шахсга ариза қабул қилинганлигини тасдиқловчи ушбу ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда ариза қабул қилинган сана кўрсатилган тегишли ҳужжат ёки аризанинг нусхасига ушбу маълумотларни қайд этган ҳолда имзо қўйиб берилади.

12. Манфаатдор шахс веб-сайт орқали мурожаат қилганда, аризада товарлар ҳақидаги тегишли маълумотларни кўрсатган ҳолда тегишли ҳужжатларнинг электрон нусхаларини веб-сайтда бириктиради ва ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди.

13. Дастлабки қарорни қабул қилиш учун тақдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди, бундан товарнинг келиб чиқиш сертификатининг асл нусхаси мустасно.

### **3-боб. Аризани кўриб чиқиш ва кўриб чиқишни рад этиш**

14. Веб-сайт орқали мурожаат қилинганда, ариза Божхона қўмитасининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига (бунда буён матнда ЯААТ деб юритилади) автоматик равишда келиб тушади.

Ёзма шаклда топширилган аризалар келиб тушган кундан кечиктирмай божхона органининг масъул ходими томонидан ЯААТга киритилади.

Аризалар ЯААТга келиб тушган куннинг ўзида электрон тарзда рўйхатдан ўтказилади.

15. Ариза рўйхатдан ўтказилганидан сўнг ЯААТ томонидан автоматик тарзда манфаатдор шахснинг аризасида кўрсатилган телефон рақамига ариза қабул қилинганлиги ва унинг рўйхат рақами кўрсатилган SMS хабарнома юборилади.

Веб-сайтда аризанинг рўйхат рақами орқали унинг ҳолатини онлайн тарзда кўриш мумкин.

16. Ариза божхона органига келиб тушган кундан бошлаб ўн иш куни ичида кўриб чиқилади.

17. Божхона органининг масъул ходими ариза келиб тушган кундан эътиборан уч иш куни ичида унинг мазкур Низомнинг 2-бобида назарда тутилган талабларга мувофиқлигини ўрганади.

18. Қуйидаги ҳолларда аризани кўриб чиқиш рад этилади:

аризани тақдим этишда мазкур Низомнинг 3-бандида назарда тутилган қоидаларга риоя қилинмаган бўлса;

аризага ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилинмаган бўлса;

аризада назарда тутилган маълумотлар нотўғри ва ҳужжатлар билан тасдиқланмаган ахборотга асосланган бўлса;

манфаатдор шахс томонидан тақдим қилинган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлардаги маълумотлар ўртасида номувофиқликлар мавжуд бўлса.

Аризани кўриб чиқиш ушбу бандда назарда тутилмаган бошқа асосларга кўра рад этилишига йўл қўйилмайди.

19. Мазкур Низомнинг 18-бандига мувофиқ аризани кўриб чиқиш рад этилган тақдирда, бу ҳақда шу куннинг ўзида манфаатдор шахсга ёзма хабарнома юборилади. Хабарномада аризани кўриб чиқишнинг рад этилиши сабаблари кўрсатилади.

20. Манфаатдор шахс аризани кўриб чиқишнинг рад этилишига асос бўлган сабабларни бартараф этган ҳолда, дастлабки қарорни олиш учун қайтадан мурожаат қилиши мумкин.

21. Аризани кўриб чиқиш рад этилган тақдирда, такроран киритилган ариза ушбу Низомга мувофиқ умумий асосларда ва белгиланган муддатларда кўриб чиқилади.

22. Аризани кўриб чиқишнинг рад этилишига асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, божхона органининг масъул ходими аризада кўрсатилган товарнинг келиб чиқишини аниқлаш бўйича тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 50-бобига мувофиқ кўриб чиқади.

23. Дастлабки қарорни олиш бўйича ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

#### **4-боб. Дастлабки қарорни қабул қилиш**

24. Дастлабки қарор ЯААТда божхона органи раҳбари (ўринбосари) томонидан электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаш орқали қабул қилинади ва унга автоматик равишда матрицали штрих код (QR-код) қўйилади.

Бунда, аризада кўрсатилган товарларнинг турлари ва ҳажмидан қатъи назар, битта ариза бўйича битта дастлабки қарор қабул қилинади.

25. Дастлабки қарор қабул қилинганидан сўнг манфаатдор шахснинг телефон рақамига дастлабки қарор қабул қилинганлиги ва божхона йиғимини тўлаш лозимлиги тўғрисида тегишли тўлов бўйича инвойс шакллантирилган ҳаволали SMS хабарнома юборилади.

Дастлабки қарорни қабул қилганлик учун божхона йиғими манфаатдор шахснинг кўрсатмасига асосан унинг божхона органи шахсий газна ҳисобварағига дастлабки тарзда ўтказилган пул маблағларидан ҳам ечиб олиниши мумкин.

26. Манфаатдор шахс божхона йиғимини тўлаганидан сўнг, ўзи мурожаат қилган веб-сайт орқали аризанинг рўйхат рақамини киритган ҳолда дастлабки қарорнинг электрон шаклини юклаб олади, шунингдек ёзма шаклда мурожаат қилинган бўлса, дастлабки қарорнинг электрон ёки қоғоз шаклини ариза топширилган божхона органидан олади.

27. Қабул қилинган дастлабки қарорлар тўғрисидаги маълумотлар манфаатдор шахслар ҳақидаги маълумотларнинг махфийлигини сақлаган ҳолда веб-сайтга автоматик тарзда жойлаштириб борилади.

### **5-боб. Дастлабки қарорни қабул қилишни рад этиш асослари**

28. Қўйидаги ҳолларда божхона органи томонидан дастлабки қарорни қабул қилиш рад этилади:

ариза юзасидан муқаддам айнан бир манфаатдор шахсга айнан бир хил товарлар бўйича дастлабки қарор берилган ва ушбу дастлабки қарорнинг амал қилиш муддати тугамаган бўлса;

аризада кўрсатилган товарнинг келиб чиқишини аниқлаш учун тақдим этилган маълумот ва ҳужжатлар товарнинг асл ҳолатига мос эмаслиги аниқланган бўлса.

Дастлабки қарорни қабул қилиш ушбу бандда назарда тутилмаган асосларга кўра рад этилишига йўл қўйилмайди.

29. Божхона органи томонидан дастлабки қарорни қабул қилиш рад этилган тақдирда, бу ҳақда шу куннинг ўзида манфаатдор шахсга ёзма ёки электрон шаклда хабарнома юборилади. Хабарномада дастлабки қарорни қабул қилишнинг рад этилиши сабаблари кўрсатилади.

30. Манфаатдор шахс дастлабки қарорни қабул қилишнинг рад этилиши учун асос бўлган сабабларни бартараф этган ҳолда божхона органига қайтадан мурожаат қилиши мумкин.

Тақроран киритилган мурожаат ушбу Низомга мувофиқ умумий асосларда ва белгиланган муддатларда кўриб чиқилади.

### **6-боб. Дастлабки қарорга ўзгартириш киритиш ва уни бекор қилиш**

31. Божхона қўмитаси қўйи божхона органи томонидан ва божхона органи ўзи томонидан қабул қилинган дастлабки қарорга ўз ташаббуси ёки манфаатдор шахснинг мурожаатига асосан ўзгартириш киритиши мумкин.

Дастлабки қарорга ўзгартириш киритилиши унинг амал қилиш муддатининг ўзгаришига олиб келмайди.

32. Манфаатдор шахс дастлабки қарорга ўзгартириш киритиш учун мазкур Низомнинг 2-бобида белгиланган тартибда ва шаклда мурожаат қилади ҳамда ўзгартириш киритиш зарурияти ва асословчи ҳужжатларни тақдим этади.

33. Дастлабки қарорга ўзгартиришлар Божхона қўмитаси ва божхона органи томонидан ушбу дастлабки қарорни қабул қилишда йўл қўйилган ҳамда товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги маълумотларга таъсир қилмайдиган хатоликлар аниқланган тақдирда киритилади.

34. Дастлабки қарорга ўзгартириш киритилган тақдирда, божхона йиғими ундирилмайди.

35. Дастлабки қарорга ўзгартириш киритилганидан сўнг, веб-сайт ва ЯААТга жойлаштирилган дастлабки қарор божхона органи томонидан унинг ўзгартирилган ҳолатдаги шакли билан алмаштириб қўйилади.

36. Дастлабки қарорга киритилган ўзгартириш у киритилган кундан бошлаб амал қилади.

37. Манфаатдор шахс томонидан дастлабки қарорни олиш учун атайлаб нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар тақдим этилганлиги аниқланса, дастлабки қарор Божхона қўмитаси ёки суд томонидан бекор қилинади.

38. Дастлабки қарорни бекор қилиш тўғрисида қарор мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда қабул қилинади.

Дастлабки қарорни бекор қилиш ҳақидаги қарор қабул қилинганда дастлабки қарор қабул қилинган кундан эътиборан бекор қилинган ҳисобланади.

39. Агар божхона ҳудуди орқали ўтказилган товарлар бекор қилинган дастлабки қарор асосида ўтказилган бўлса, улар бўйича божхона тўловлари қонунчилик белгиланган тартибда ундирилади.

40. Дастлабки қарорни бекор қилиш ҳақидаги қарор ЯААТга электрон шаклда жойлаштирилади.

41. Дастлабки қарорга ўзгартириш киритиш ёки уни бекор қилиш ҳақидаги қарор қабул қилинган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай манфаатдор шахсга ёзма ёки электрон шаклда етказилади.

### **7-боб. Дастлабки қарорнинг амал қилиш доираси ва муддати**

42. Дастлабки қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч йил давомида амал қилади. Бунда, дастлабки қарорни қабул қилиш жараёнида фойдаланилган товарнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш қоидалари, фактлар ва шартлар ўзгартирилмаган бўлиши шарт.

43. Дастлабки қарор асосида Ўзбекистон Республикасининг исталган божхона постида божхона расмийлаштирувини амалга ошириш мумкин.

Бунда, дастлабки қарорни қабул қилиш учун тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатлар божхона расмийлаштирувида тақдим этилган ҳужжатлар билан бир хил бўлиши шарт.

44. Божхона расмийлаштирувини амалга ошириш жараёнида божхона органининг ходимлари томонидан ЯААТдан дастлабки қарорнинг электрон шакли манфаатдор шахс тақдим этган маълумотлар (фамилия, исм, отасининг исми ёки аризанинг рўйхат рақами) асосида исталган вақтда юклаб олинади.

### **8-боб. Яқуний қоидалар**

45. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

46. Манфаатдор шахслар божхона органларининг қарорларидан норози бўлган тақдирда, бевосита Божхона қўмитасининг апелляция кенгашига ёки судга мурожаат қилишлари мумкин.

Товарнинг келиб чиқиш мамлакати  
тўғрисидаги дастлабки қарорни қабул қилиш  
тартиби тўғрисида низомга  
1-ИЛОВА

**Товарнинг келиб чиқиш мамлакати тўғрисидаги  
ДАСТЛАБКИ ҚАРОР**

QR-код  
(матрик штрихли код)

1. Дастлабки қарорни рўйхатга олиш рақами ва санаси:
2. Дастлабки қарорни қабул қилган божхона органининг номи:
3. Манфаатдор шахс:
4. Дастлабки қарорнинг амал қилиш муддати:
5. Товарнинг Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасига мувофиқ коди:
6. Товарлар номи ва тавсифи: (товарнинг асосий техник-тижорат тавсифлари (маркаси, модели, артикули, модификацияси), ишлаб чиқарувчиси, ишлаб чиқарилган мамлакати ва бошқа хусусиятлари тўғрисидаги маълумот, нетто вазни, брутто вазни, шартнома валютаси, юк жўнатувчи мамлакат, савдо қилувчи мамлакат, ишлаб чиқарувчи ва х.к.)
7. Товарнинг келиб чиқиш мамлакати ва уни асослаш:
8. Божхона тўловлари ва йиғимлари тўғрисида маълумот:
9. Дастлабки қарорни қабул қилиш асослари:
10. Манфаатдор шахс томонидан тақдим қилинган маълумотлар ва ҳужжатлар рўйхати:
11. Қўшимча маълумотлар:
12. Божхона органининг мансабдор шахси
_____ (электрон _____ (лавозим) рақамли имзо) (фамилия, исм, отасининг исми)

Товарнинг келиб чиқиш мамлакати  
тўғрисидаги дастлабки қарорни қабул қилиш  
тартиби тўғрисида низомга  
2-ИЛОВА

**Товарнинг келиб чиқиш мамлакати тўғрисидаги дастлабки  
қарорни қабул қилиш бўйича  
АРИЗА**

(сана)

(рақам)

<b>I. Товарларнинг эгаси тўғрисидаги маълумот</b>	
1.1	Товарлар эгаси бўлган юридик шахснинг тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг Ф.И.О.
1.2	Почта манзили (Почта индекси)
1.3	Ташкилий-ҳуқуқий шакли
1.4	СТИР ёки жисмоний шахснинг шахсий идентификация (ЖШШИР) рақами ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжат серияси ва рақами
1.5	Давлат рўйхатидан ўтган рақами ва санаси
1.6	Телефон рақами
<b>II. Товарларнинг номидан ариза топширувчи ваколатли шахс тўғрисидаги маълумот (ариза ваколатли шахс томонидан тақдим этилганда)</b>	
2.1	Ваколатли шахснинг ЖШШИР ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжат серияси ва рақами
2.2	Ваколатини тасдиқловчи ҳужжат санаси ва рақами *
<b>III. Дастлабки қарорни қабул қилиш учун товарлар ҳақидаги маълумотлар</b>	
3.1	Товарларнинг савдо, тижорат номи ва тўлиқ тавсифи, савдо белгиси, асосий техник-тижорат тавсифлари (маркаси, модели, артикули, модификацияси), нави, стандартлари, бажарадиган функциялари, техник ва тижорат хусусиятлари
3.2	Товарлар ҳақида маълумот (ТИФ ТНга мувофиқ товарларнинг коди, савдо қилувчи мамлакат, юк жўнатувчи ва келиб чиқиш мамлакати, юк жўнатувчи, сотувчи, товар ишлаб чиқарувчи, товарнинг брутто/нетто оғирликлари ҳамда асосий ва (ёки) кўшимча ўлчов бирликларидаги миқдори
3.3	Товарларнинг нархи, валютаси ва валюта коди кўрсатилган ҳолда
3.4	Ташқи савдо шартномаси (мавжуд бўлса), товарларни етказиб бериш шартлари
3.5	Товарнинг келиб чиқиш сертификати (агар мавжуд бўлса)

3.6	Илгари қабул қилинган дастлабки қарор ҳақидаги маълумотлар (агар мавжуд бўлса)	
3.7	Товарнинг келиб чиқишини аниқлаш учун муҳим бўлган қўшимча маълумотлар	
3.8	Илова қилинадиган ҳужжатлар**	

*Изоҳлар:*

\* *Ваколатли шахснинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.*

\*\* *Тақдим этиладиган маълумотлар ва ҳужжатлар илова қилинади.*

Товарнинг келиб чиқиш мамлакати  
тўғрисидаги дастлабки қарорни қабул қилиш  
тартиби тўғрисида низомга  
3-ИЛОВА

**Товарнинг келиб чиқиш мамлакати тўғрисидаги  
дастлабки қарорни бекор қилиш ҳақида  
ҚАРОР**

QR код  
(матрик штрихли код)

1. Дастлабки қарорни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилган божхона органи	
2. Манфаатдор шахс ҳақида маълумот	
3. Дастлабки қарорни бекор қилиш ҳақидаги қарор қабул қилинган сана	
4. Бекор қилинган дастлабки қарорнинг рўйхатга олиш рақами ва санаси	
5. Бекор қилинган дастлабки қарорда кўрсатилган товар номи	
6. Дастлабки қарорни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилишнинг асослари ва сабаблари	
7. Дастлабки қарорни бекор қилиш ҳақидаги қарор кучга кирадиган сана	
8. Дастлабки қарорни бекор қилиш ҳақидаги қарор қабул қилган Давлат божхона қўмитасининг мансабдор шахси	
_____ (лавозим)	_____ (электрон рақамли имзо)
	_____ (фамилия, исм, отасининг исми)

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING  
BUYRUG‘I**104** Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarish to‘g‘risida\*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil  
20-martda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3506*

O‘zbekiston Respublikasining “Normativ-huquqiy hujjatlar to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 8-avgustdagi PF–5505-son “Norma ijodkorligi faoliyatini takomillashtirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi, 2022-yil 28-yanvardagi PF–60-son “2022 — 2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi farmonlari hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 13-apreldagi PQ–3666-son “O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi faoliyatini yanada takomillashtirishga doir tashkiliy chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 9-oktabrdagi 469-son “Vazirliklar, davlat qo‘mitalari va idoralar me‘yoriy hujjatlarining qonuniyligini ta‘minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori hamda Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni tayyorlash va qabul qilish qoidalariga (ro‘yxat raqami 2565, 2014-yil 28-fevral) muvofiq **buyuraman:**

## 1. Quyidagilar:

O‘zbekiston Respublikasining “Davlat tili haqida”gi Qonunining 8-moddasiga asosan davlat hokimiyati va boshqaruv organlarining hujjatlari davlat tilida qabul qilinishi va e‘lon etilishi kerakligi;

O‘zbekiston Respublikasining “Normativ-huquqiy hujjatlar to‘g‘risida”gi Qonunining 46-moddasiga asosan ilgari qabul qilingan normativ-huquqiy hujjatlarga yangi normativ-huquqiy hujjat qabul qilinganligi munosabati bilan zarur o‘zgartishlar va (yoki) qo‘shimchalar kiritilishi hamda ilgari qabul qilingan barcha normativ-huquqiy hujjatlar yoki ularning qismlari, agar ular yangi huquqiy normalarga zid bo‘lsa yoxud yangi normativ-huquqiy hujjat bilan to‘laligicha qamrab olingan yoki amalda o‘z huquqiy ahamiyatini yo‘qotgan bo‘lsa, lekin rasman o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilmagan bo‘lsa, o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilishi lozimligi;

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 8-avgustdagi PF–5505-son Farmoni bilan tasdiqlangan Norma ijodkorligi faoliyatini takomillashtirish konsepsiyasida idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni imkon qadar qisqartirish, umumiy tusdagi, harakatsiz va huquqni qo‘llashga ta‘sir etmaydigan qonunchilik hujjatlarini qayta ko‘rib chiqish belgilanganligi;

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF–60-son Farmoni bilan tasdiqlangan 2022 — 2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasida idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar sonini maqbullashtirish ishlarini davom ettirish vazifasi belgilanganligi;

\* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 20-martda e‘lon qilingan.

Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni tayyorlash va qabul qilish qoidalarining (ro'yxat raqami 2565, 2014-yil 28-fevral) 111-bandiga asosan qonunchilik hujjatlariga muvofiqlashtirilmagan idoraviy normativ-huquqiy hujjatning Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarilishi natijasida yuzaga keladigan "huquqiy bo'shliqlar" oqibatlari uchun ushbu idoraviy normativ-huquqiy hujjatni qabul qilgan vazirlik va idoralar rahbarlari javobgar bo'lishi ma'lumot uchun qabul qilinsin.

2. Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan ilovaga muvofiq chiqarilsin.

3. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

**Vazir**

**A. TASHKULOV**

Toshkent sh.,  
2024-yil 20-mart,  
8-mh-son

O'zbekiston Respublikasi  
adliya vazirining 2024-yil 20-martdagi  
8-mh-son buyrug'iga  
ILOVA

**Idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan  
chiqarilayotgan ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlar  
RO'YXATI**

1. O'zbekiston Respublikasi mehnat vazirining 1999-yil 7-maydagi 834-son "Idoraviy mansubligi, mulkchilik va xo'jalik yuritish shakllaridan qat'i nazar, korxonalar, muassasa, tashkilot ichki mehnat tartibining namunaviy qoidalarini tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 746, 1999-yil 14-iyun).

2. O'zbekiston Respublikasi mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirining 2010-yil 2-sentabrdagi 163-B-son "Idoraviy mansubligi, mulkchilik va xo'jalik yuritish shakllaridan qat'i nazar korxonalar, muassasa, tashkilot ichki mehnat tartibining namunaviy qoidalariga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 746-1, 2010-yil 21-sentabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2010-y., 38-son, 335-modda).

3. O'zbekiston Respublikasi bandlik va mehnat munosabatlari vazirining 2019-yil 26-fevraldagi 6-2019/B-son "Idoraviy mansubligi, mulkchilik va xo'jalik yuritish shakllaridan qat'i nazar, korxonalar, muassasa, tashkilot ichki mehnat tartibining namunaviy qoidalariga o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 746-2, 2019-yil 6-mart) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 2019-y., 10/19/746-2/2721-son).

4. O'zbekiston Respublikasi madaniyat va sport ishlari vazirining 2006-yil 10-fevraldagi 85-son "Sport-jismoniy tarbiya klublari to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1559, 2006-yil 5-aprel) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2006-y., 14-son, 121-modda).

5. O'zbekiston Respublikasi madaniyat va sport ishlari vazirining 2015-yil 11-noyabrdagi 22-son "Sport-jismoniy tarbiya klublari to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi buyruqqa o'zgartirishlar kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1559-1, 2015-yil 11-dekabr) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2015-y., 49-son, 616-modda).

6. O'zbekiston matbuot va axborot agentligi bosh direktorining 2006-yil 15-martdagi 29-son "Nashrlarni chop etish qoidalarini tasdiqlash haqida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1561, 2006-yil 14-aprel) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2006-y., 15-son, 130-modda).

7. O'zbekiston matbuot va axborot agentligi bosh direktorining 2013-yil 7-yanvardagi 11-m/h-son "Nashrlarni chop etish qoidalarining 29-bandiga o'zgartirish kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1561-1, 2013-yil 17-yanvar) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 3-son, 38-modda).

8. O'zbekiston matbuot va axborot agentligi bosh direktorining 2013-yil 4-iyuldagi 14-m/h-son "Nashrlarni chop etish qoidalarining 9-bandiga o'zgartirish

kiritish to'g'risida"gi buyrug'i (ro'yxat raqami 1561-2, 2013-yil 24-iyul) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2013-y., 30-son, 402-modda).

9. O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi va O'zbekiston Respublikasi Davlat mulkini boshqarish va tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash davlat qo'mitasining 2005-yil 14-martdagi 33, 01/06-18/02-son "Xo'jalik jamiyatlari ustav jamg'armasidagi davlat aksiyalari paketlari (ulushlari)ni boshqarish bo'yicha faoliyatni amalga oshirish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarori (ro'yxat raqami 1473, 2005-yil 27-aprel) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2005-y., 17-18-son, 132-modda).

10. O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi va O'zbekiston Respublikasi Davlat mulkini boshqarish davlat qo'mitasining 2007-yil 14-fevraldagi 21, 01/12-18/04-son "Xo'jalik jamiyatlari ustav jamg'armasidagi davlat aksiyalari paketlari (ulushlari)ni boshqarish bo'yicha faoliyatni amalga oshirish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqidagi qarorga o'zgartish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi qarori (ro'yxat raqami 1473-1, 2007-yil 7-mart) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2007-y., 9-10-son, 93-modda)

11. O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi va O'zbekiston Respublikasining Xususiylashtirish, monopoliyadan chiqarish va raqobatni rivojlantirish davlat qo'mitasining 2016-yil 8-iyuldagi 45-1, 01/09-26/39-1-son "Xo'jalik jamiyatlari ustav jamg'armasidagi davlat aksiyalari paketlari (ulushlari)ni boshqarish bo'yicha faoliyatni amalga oshirish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarorga o'zgartirishlar va qo'shimcha kiritish to'g'risida"gi qarori (ro'yxat raqami 1473-2, 2016-yil 1-avgust) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2016-y., 31-son, 380-modda).

12. O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi va O'zbekiston Respublikasi Xususiylashtirilgan korxonalariga ko'maklashish va raqobatni rivojlantirish davlat qo'mitasining 2017-yil 22-noyabrdagi 166, 01/29-10/30-son "Xo'jalik jamiyatlari ustav jamg'armasidagi davlat aksiyalari paketlari (ulushlari)ni boshqarish bo'yicha faoliyatni amalga oshirish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarorga o'zgartirishlar va qo'shimcha kiritish to'g'risida"gi qarori (ro'yxat raqami 1473-3, 2017-yil 30-noyabr) (Qonunchilik hujjatlari milliy bazasi, 01.12.2017-y., № 10/17/1473-3/0342).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР МИЛЛИЙ  
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**105** Майнинг-пул фаолиятини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил  
20 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3507*

Ўзбекистон Республикасининг «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ–3150-сон «Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2018 йил 3 июлдаги ПҚ–3832-сон «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Майнинг-пул фаолиятини амалга ошириш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директор**

**Д. ЛИ**

Тошкент ш.,  
2024 йил 19 февраль,  
17-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 20 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги  
директорининг 2024 йил 19 февралдаги  
17-сон буйруғига  
ИЛОВА

## Майнинг-пул фаолиятини амалга ошириш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар майнинг-пул фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**майнинг-пул** — майнинг жараёнини таъминлаш мақсадида ҳисоблаш қувватларини бирлаштирувчи электрон платформани тақдим этувчи ташкилот;

**майнинг фаолияти** (бундан буён матнда майнинг деб юритилади) — ҳисоблаш операцияларини бажариш орқали маълумотларнинг тақсимланган реестрини юритиш, блокларнинг яхлитлигини яратиш ва тасдиқлаш фаолияти;

**миллий майнер** — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида майнингни амалга ошириш учун рухсатнома олган (бундан буён матнда рухсатнома деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахс;

**хорижий майнер** — Ўзбекистон Республикаси норезиденти бўлган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида майнинг билан шуғулланувчи жисмоний ёки юридик шахс;

**майнинг-пулнинг электрон платформасига уланиш** — майнинг-пулнинг электрон платформасига уланиш ва майнинг-пул иштирокчиси мақомини олишга мўлжалланган ташкилий-техник чора-тадбирлар мажмуи;

**майнинг-пул иштирокчиси** — майнингни амалга ошириш учун белгиланган тартибда майнинг-пулнинг электрон платформасига уланиш тартибидан ўтган миллий ва хорижий майнер;

**листинг** — майнинг-пул томонидан крипто-активларни майнинг-пулнинг электрон платформасига мазкур крипто-активларни майнинг қилиш учун қўшиш жараёни;

**делистинг** — крипто-активларни майнинг-пулнинг электрон платформасидан чиқариб ташлаш жараёни;

**майнинг-пулнинг электрон платформаси** — қуйидаги жараёнлар амалга ошириладиган ахборот тизими ва (ёки) аппарат-дастурий комплекси:

майнинг-пулнинг электрон платформасига уланиш;

майнинг-пул иштирокчиларининг ҳисоблаш қувватларини бирлаштириш;

крипто-активларни майнинг-пул иштирокчилари ўртасида тақсимлаш;

крипто-активларни майнинг-пул иштирокчиларининг крипто-ҳамёнларига

чиқариш;

листинг ва делистинг;

майнинг операциялари бўйича ҳисобот ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда шакллантириш;

майнинг билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги маълумотларни сақлаш, қайта ишлаш ва ошкор қилиш;

майнинг-пулнинг тўплаган қувватларини турли крипто-активлар майнинг учун тақсимлаш;

майнинг жараёнларини қулайлаштиришга қаратилган бошқа ташкилий-техник ишлар;

**ваколатли орган** — Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги.

2. Майнинг-пул фаолиятини ташкил этиш Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 3380, 2022 йил 15 август) мувофиқ амалга оширилади.

Майнинг-пул ўз фаолиятини фақатгина майнинг-пулнинг электрон платформаси орқали амалга оширади.

3. Майнинг-пул:

ўз электрон платформасининг зарур даражада ишлашини таъминлаши;

майнинг-пул иштирокчилари операциялари ҳисобини алоҳида юритиши;

миллий ва хорижий майнерларни ўзининг электрон платформасига улашиш бўйича талабномаларини кўриб чиқиш;

майнинг-пул иштирокчиларининг, майнинг-пулнинг электрон платформасида улар томонидан майнингни амалга оширишда топилган крипто-активларини чиқариш бўйича талабномалари ижросини таъминлаши;

ўзининг электрон платформасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаши;

майнинг-пул иштирокчиларининг реестрини олиб бориши;

ҳар куни кун якуни бўйича майнинг-пул иштирокчилари томонидан амалга оширилган операциялар ҳақидаги барча маълумотларнинг (электрон ташувчи воситаларда) захира нусхасини яратиши;

майнинг-пул ходимлари ва майнинг-пул томонидан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида жалб қилинган шахсларнинг майнинг-пул фаолиятини тартибга солувчи, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари ва майнинг-пул томонидан тасдиқланадиган локал ҳужжатларни (бундан буён матнда локал ҳужжат деб юритилади) билиш даражасини доимий ошириб бориши;

крипто-активларни реклама қилиш ва ўз фаолиятини амалга оширишда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган талабларга риоя этиши лозим.

4. Майнинг-пул қуйидагиларни тартибга солувчи локал ҳужжатларни ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши лозим:

майнинг-пулга уланиш;

майнингни, топилган крипто-активларни майнинг-пул иштирокчилари ўр-

тасида тақсимлаш ва уларнинг крипто-ҳамёнларига чиқариш жараёнларини амалга ошириш;

майнинг-пулнинг электрон платформасида крипто-активлар листинги ва делистингини амалга ошириш;

майнерларни идентификациядан ўтказиш қоидалари.

5. Майнинг-пулнинг электрон платформасида қўйидагиларни амалга ошириш таъқиқланади:

майнингни амалга ошириш жараёнида топилган крипто-активларни сотиб олиш, сотиш ва (ёки) бошқа крипто-активларга айирбошлаш бўйича операциялари;

майнинг-пул иштирокчиларининг крипто-активларини сақлаш;

муқаддам муомалага киритилган крипто-активларни майнинг-пул ва майнинг-пул иштирокчиларининг крипто-ҳамёнларига ўтказиш;

аноним крипто-активлар майнингга ва бошқа операцияларни амалга ошириш.

6. Майнинг-пул майнинг-пул иштирокчиларининг майнингни амалга оширишда топилган крипто-активларини (шу жумладан уларнинг номидан) крипто-активлар билан бошқа операцияларни амалга ошириш мақсадида ишлатишга ҳақли эмас.

## **2-боб. Хорижий ва миллий майнерлар билан муносабатларни ташкил этиш**

7. Хорижий ва миллий майнерлар билан муносабатларни ташкил этиш майнинг-пулнинг локал ҳужжатлари ҳамда крипто-активлар айланмаси соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ шартнома асосида амалга оширилади.

8. Хорижий ва миллий майнерлар майнинг-пулнинг электрон платформасига уланиш ва майнингни амалга ошириш учун мажбурий идентификациядан ўтади.

9. Миллий майнерлар мажбурий идентификациядан ўтиш учун қўйидаги ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этадилар:

а) майнерга, майнингни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ваколатли орган томонидан тақдим этиладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг нусхаси;

б) солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);

в) юридик шахснинг тўлиқ номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли;

г) юридик шахснинг жойлашган ери (почта манзили), телефон рақами, электрон почта манзили;

д) майнингни амалга оширишда топилган крипто-активларни чиқариш мўлжалланаётган крипто-активнинг крипто-ҳамён манзили;

е) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа маълумотлар.

10. Хорижий майнерлар, мажбурий идентификациядан ўтиш учун қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этадилар:

а) хорижий майнер — жисмоний шахс:

фамилияси, исми, отасининг исми;

жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси;

боғланиш маълумотлари (яшаш манзили, электрон почта манзили ва телефон рақами);

майнингни амалга оширишда топилган крипто-активларни чиқариш мўлжалланаётган крипто-активнинг крипто-ҳамён манзили;

б) хорижий майнер — юридик шахс:

юридик шахснинг тўлиқ номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли;

тўлиқ почта манзили, телефон рақами ва электрон почта манзили;

давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳноманинг рақами ва берилган санаси;

юридик шахснинг банк реквизитлари;

майнингни амалга оширишда топилган крипто-активларни чиқариш мўлжалланаётган крипто-активнинг крипто-ҳамён манзили.

11. Миллий ва хорижий майнернинг аризада электрон почта манзилини кўрсатиши унинг барча хабарнома ва қарорларни электрон ҳужжат шаклида олишга розилигини англатади.

12. Майнинг-пул қуйидагилар билан шартнома тузишга ҳақли эмас:

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган жисмоний шахслар;

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар;

мазкур Қоидаларнинг 8-бандида назарда тутилган мажбурий идентификациядан ўтмаган миллий ва хорижий майнерлар;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларига асосан террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахслар.

13. Майнинг-пул шартнома тузиш шартлари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда шартноманинг матнини ўзининг электрон платформасида жойлаштиради. Бунда, шартнома тузиш шартлари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда шартноманинг матни мижозларга шартнома тузилишидан олдин оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда етказилиши лозим.

14. Майнинг-пул шартнома тузишдан олдин миллий ва хорижий майнерларни қуйидаги шартлар ҳақида хабардор қилиши шарт:

майнинг-пул ва майнинг-пул иштирокчилари фаолиятига тегишли бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни ваколатли органга юборилиши мумкинлиги;

майнинг-пул иштирокчилари билан музокаралар уларнинг розилиги билан аудио- ёки видеоёзув шаклида ёзиб борилиши, шунингдек ёзишмалар тарихи сақлаб қўйилиши;

майнинг-пул иштирокчиларининг шартномада назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

15. Майнинг-пул ва миллий ёки хорижий майнер ўртасида шартнома тузилган тақдирда, унга майнинг-пулнинг электрон платформасида ҳисобга олиш ёзуви (шахсий кабинет) яратилади.

Майнинг-пулнинг электрон платформасида майнинг-пулнинг бир иштирокчисига фақат битта ҳисобга олиш ёзуви (шахсий кабинети) яратилиши мумкин.

16. Майнинг-пул иштирокчиси шартнома ва майнинг-пулнинг локал ҳужжатлари талабларини бузган тақдирда, майнинг-пул томонидан унинг электрон платформада майнингни амалга ошириш имконияти уч ой муддатга чекланади.

17. Майнинг-пул билан унинг иштирокчилари ўртасидаги шартнома улар майнинг-пулнинг электрон платформасида рўйхатдан ўтган вақтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

18. Майнинг-пул иштирокчилари майнинг-пулнинг электрон платформасида рўйхатдан ўтганидан сўнг ўзларининг майнинг ускуналарини майнинг-пулнинг электрон платформасига улашга ҳақли.

19. Майнинг-пул иштирокчиларини майнинг-пулнинг электрон платформасидан узиш қўйидагилар асосида амалга оширилади:

майнинг-пул иштирокчисининг аризаси;

майнинг-пул ва майнинг-пул иштирокчиси ўртасида тузилган шартноманинг талаблари бузилганда

ваколатли органнинг рухсатномани амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш ҳақидаги қарори.

Майнинг-пул майнинг-пул иштирокчиси бўлган миллий майнерни майнинг фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатноманинг муддати тугаганидан сўнг 1 иш куни ичида электрон платформадан узиб қўйиши лозим.

20. Майнинг-пул майнинг-пул иштирокчиларини майнинг-пулнинг электрон платформасига киришини чеклаш ёки майнинг-пул электрон платформасининг фаолиятини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир кун ичида:

майнинг-пул иштирокчиларининг электрон почта манзилига хабарнома юбориш орқали хабардор қилиши;

ўзининг веб-ресурсида хабарномани (фақат майнинг-пул электрон платформасининг ишлаш фаолияти тўхтатилган тақдирда) эълон қилиши лозим.

### **3-боб. Майнинг-пул иштирокчиларининг даромадларини тақсимлаш**

21. Майнингни амалга оширишдан тушган даромадларни майнинг-пул иштирокчилари орасида тақсимлаш қоидалари майнинг-пулнинг локал актлари билан белгиланади. Мазкур қоидалар мажбурий равишда майнинг-пул ва майнинг-пул иштирокчиси ўртасида тузилган шартномада акс эттирилиши лозим.

22. Майнинг-пул даромадларни майнинг-пул иштирокчилари ўртасида фақат майнинг-пул иштирокчиси томонидан майнингни амалга оширишда

топилган крипто-активларда тақсимлайди ҳамда шартномада белгиланган шартлар ва муддатларда уларни майнинг-пул иштирокчисининг рўйхатдан ўтишда тақдим этган крипто-ҳамён манзилига чиқаради.

23. Майнинг-пул майнинг-пул иштирокчиси билан тузилган шартнома шартларига мувофиқ кўрсатган хизматлари учун хизмат ҳақини крипто-активларда олиши мумкин.

#### **4-боб. Майнинг-пул иштирокчиларининг реестрини юритиш**

24. Майнинг-пул қуйидаги маълумотларни ўз ичига олган майнинг-пул иштирокчиларининг реестрини электрон шаклда юритади:

майнинг-пул иштирокчилари томонидан мазкур Қоидаларнинг 9 ва 10-бандларига мувофиқ тақдим этилган маълумотларни;

майнинг-пул иштирокчиларининг умумий сони;

миллий ва хорижий майнерларнинг сони (маълумотлар алоҳида тақдим этилиши лозим);

миллий майнерлар томонидан топилаётган крипто-активларнинг номланиши ва умумий ҳажми, ва улар томонидан майнинг-пулнинг электрон платформасига уланувчи майнинг ускуналарининг номланиши ва сони;

хорижий майнерлар томонидан топилаётган крипто-активларнинг номланиши ва умумий ҳажми, ва улар томонидан майнинг-пулнинг электрон платформасига уланувчи майнинг ускуналарининг номланиши ва сони.

25. Мазкур реестрга киритилган маълумотлар ваколатли органга унинг сўровида кўрсатилган муддатларга мувофиқ бепул тақдим этилиши лозим.

#### **5-боб. Яқуний қоида**

26. Мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўyxатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

***1. Давлат рўyxатидан ўтказилди:***

1. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2024-yil 22-fevraldagi 109-son, Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Soliq qo‘mitasining 2024-yil 13-fevraldagi 2024-03-son va Markaziy bank Boshqaruvining 2024-yil 8-fevraldagi 4/2-son “Yagona ijtimoiy to‘lovni taqsimlash, shuningdek xarajatlarni qoplash bo‘yicha summalarning to‘lanishini hamda tashkilotlar tomonidan pensiya, nafaqa va boshqa to‘lovlar uchun xarajatlar amalga oshirilishi tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qaror, shuningdek unga o‘zgartirishlarni o‘z kuchini yo‘qotgan deb topish to‘g‘risida”gi qarori.

***2024-yil 12-martda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2836-5.***

2. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 2 февралдаги 103-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БҲС) «Ягона счётлар режаси»га қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2024 йил 14 мартда рўyxатдан ўтказилди, рўyxат рақами 3078-4.***

3. O‘zbekiston Respublikasi qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirining 2024-yil 12-martdagi 01/2-4-son “Ko‘p kvartirali uylarda umumiy mol-mulkni saqlash, undan foydalanish va uni ta‘mirlash hamda ko‘p kvartirali uyga tutash yer uchastkasini obodonlashtirish uchun majburiy badallar yoki to‘lovlarning eng kam miqdorini aniqlash tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i.

***2024-yil 15-martda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3501.***

4. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 12 февралдаги 106-сон «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (1-сонли СММС) «Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш тартиби»ни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

***2024 йил 15 мартда рўyxатдан ўтказилди, рўyxат рақами 3502.***

5. O‘zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi direktorining 2024-yil 13-fevraldagi 56-son “Maydoni 2 000 metr kvadratgacha bo‘lgan bo‘sh turgan davlat ko‘chmas mulk obyektlarini jismoniy shaxslarning onlayn-buyurtmanomasiga asosan xususiylashtirish yoki ijaraga berish uchun to‘g‘ridan-to‘g‘ri elektron onlayn-auksion savdolariga chiqarish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi buyrug‘i.

*2024-yil 18-martda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3503.*

6. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг 2024 йил 5 мартдаги 17-сон, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2024 йил 1 мартдаги 113-сон ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг 2024 йил 5-мартдаги 2024-04-сон «Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш учун йиғимлар миқдорини белгилаш, уларни тўлаш ва тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

*2024 йил 19 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3388-1.*

7. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2024 йил 21 февралдаги 3-сон «Наслли маҳсулотни (материални) сертификатлаштиришдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

*2024 йил 19 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2599-1.*

8. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2024 йил 14 мартдаги 6-сон «Эпизоотик вазиятни ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш мезонлари ва юбориш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

*2024 йил 19 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3198-2.*

9. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2024 йил 7 мартдаги 5-сон «Хориждан келтирилган ғўза уруғликларининг генетик тозалиги бўйича молекуляр-генетик таҳлиллар ўтказиш юзасидан маҳаллий ваколатли лаборатория хулосасини олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

*2024 йил 19 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3504.*

10. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 19 февралдаги 109-сон «Товарнинг келиб чиқиш мамлакати тўғрисидаги дастлабки қарорни қабул қилиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

*2024 йил 19 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3505.*

11. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2024-yil 20-martdagi 8-mh-son "Ayrim idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarni idoraviy normativ-huquqiy hujjatlarning davlat reyestridan chiqarish to'g'risida"gi buyrug'i.

*2024-yil 20-martda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3506.*

12. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2024 йил 19 февралдаги 17-сон «Майнинг-пул фаолиятини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

*2024 йил 20 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3507.*

## II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси

ва Марказий банк Бошқарувининг 2016 йил 5 октябрдаги 78, 2016-34 ва 341-В-сон «Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2836, 2016 йил 3 ноябрь), шунингдек унга ўзгартиришларни (рўйхат рақами 2836-1, 2018 йил 27 март), (рўйхат рақами 2836-2, 2019 йил 23 январь), (рўйхат рақами 2836-3, 2019 йил 8 апрель), (рўйхат рақами 2836-4, 2019 йил 18 октябрь).

*2024 йил 12 мартда давлат реесридан чиқарилди.*

2. Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазирининг 1999 йил 7 майдаги 834-сон «Идоравий мансублиги, мулкчилик ва хўжалик юритиш шакллари-дан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилот ички меҳнат тартибининг намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 746, 1999 йил 14-июнь), шунингдек унга ўзгартиришларни (рўйхат рақами 746-1, 2010 йил 21 сентябрь), (рўйхат рақами 746-2, 2019 йил 6 март).

*2024 йил 19 мартда давлат реесридан чиқарилди.*

3. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2006 йил 10 февралдаги 85-сон «Спорт-жисмоний тарбия клублари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1559, 2006 йил 5 апрель), шунингдек унга ўзгартиришларни (рўйхат рақами 1559-1, 2015 йил 11 декабрь).

*2024 йил 19 мартда давлат реесридан чиқарилди.*

4. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг 2006 йил 15 мартдаги 29-сон «Нашрларни чоп этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1561, 2006 йил 14 апрель), шунингдек унга ўзгартиришларни (рўйхат рақами 1561-1, 2013 йил 17 январь), (рўйхат рақами 1561-2, 2013 йил 24 июль).

*2024 йил 19 мартда давлат реесридан чиқарилди.*

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2005 йил 14 мартдаги 33, 01/06-18/02-сон «Хўжалик жамиятлари устав жамғармасидаги давлат акциялари пакетлари (улушлари)ни бошқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1473, 2005 йил 27 апрель), шунингдек ўзгартиш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1473-1, 2007 йил 7 март), (рўйхат рақами 1473-2, 2016 йил 1 август), (рўйхат рақами 1473-3, 2017 йил 30 ноябрь).

*2024 йил 19 мартда давлат реесридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реесридан чиқарилди.**